Инв. № 1
Гос. книжная палата УзССР
19 ОКТ 1982

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

16 ОКТЯБРЬ 1982 ЙИЛ, ШАНБА. № 236 (2.642). Баҳоси 3 тийин.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИНИНГ ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ҲАММА ОБЪЕКТЛАРИ ҚУРИБ БИТКАЗИЛСИН!

15 октябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган кенгашда Ўзбекистон қурувчилари 1982 йилги план ва социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажариши соҳасидаги вазифалар муҳокама қилинди. Кенгашда область партия комитетининг капитал қурилиш масалалари билан шуғулланувчи секретарлари ва бўлим мудирлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раисининг ва областлар ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг, шунингдек СССР Госснаби, Қурилиш министрлиги, Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги, Химия ва нефть машинасозлиги министрлиги ҳамда Минерал ўғит ишлаб чиқариш министрлигининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Кенгашни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секреари А. А. Хўжаев доклад қилди.

Доклад юзасидан бошланган музокараларда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров, «Главсредазирсовхозстрой» бошлиғи Н. Р. Ҳамроев, Тошкент область партия комитетининг секретари Ф. Г. Потуремский, Қашқадарё область партия комитетининг секретари М. Г. Гулмирзаев, Ўзбекистон ССР қурилиш министри С. А. Омеров, Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министри Н. Р. Ражабов, Навоий область партия комитетининг секретари В. А. Коваленко, «Узколхозстрой» раиси И. Ашуров, Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри Х. А. Шогазотов, республика бинокорлик материаллари саноати министри Г. Г. Исаев қатнашдилар.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар партия XXVI съезди қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон ССРга Ленин ордени топшириш пайтида берган йўл-йўриқлари ва маслаҳатларини амалга ошираётган республика қурувчилари юбилей олди вахтасида муайян муваффақиятларга эришганликларини уқтириб ўтдилар. Йил бошидан бери 2,4 миллиард сўмлик асосий фондлар ишга туширилди, 3,2 миллиард сўм капитал маблағ ўзлаштирилди ва 2 миллиард сўмлик қурилиш монтаж ишлари бажарилди. Икки миллион квадрат метр уй-жой, 92 минг ўринли мактаблар, 18 минг ўринли болалар муассасалари, 2370 ўринли касалхоналар ва 2750 беморни қабул қилувчи поликлиникалар қуриб битказилди. Химия саноатида, рангли металлургияда, «Б» группаси тармоқларида янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. Янги суғориладиган ерларни, мелиорацияланган яйловларни фойдаланиш учун топшириш, сугориш системаларини қайта қуриш планлари бажарилди.

Шу билан бирга кенгаш қатнашчилари ҳал этилмаган масалаларга асосий эътибор бердилар. Ишга туширилади-ган бир қанча объектларда, шу жумладан баъзи алоҳида муҳим объектларда тўққиз ойлик планлар бажарилмади. Минерал ўғит ишлаб чиқариш, қора ва рангли металлургия, енгил, пахта тозалаш, озиқ-овқат, гўшт ва сут саноати ҳамда бошқа баъзи тармоқлар объектларидаги қурилишда анчагина қолоқликка йўл қўйилди. Ишга туширилади-ган бир қанча объектлар шу пайтгача зарур моддий-техникавий ресурслар, асбоб-ускуналар билан тўла-тўкис таъминланмаган.

Қишлоқдаги қурилишда ҳам катта-катта камчиликлар бор. Чунончи, пудратчи ташкилотлар ҳамон наслдор паррандa репродукторлари, парандачилик фабрикалари, чорвачилик комплексларини ва бошқа объектларни қуриш ишларини бажармаяптилар. Тайёрлаш министрлиги, Озиқ-овқат саноати министрлиги ва Савдо министрлигининг баъзи қурилишларида каттагина қолоқлик мавжуд.

Бир қанча область ва шаҳарларда уй-жой қурилиши ҳамон танг аҳволда турибди. Шу мақсадлар учун ажратилган маблағлар баъзи жойларда тўла тўкис ўзлаштирилмаяпти. Бунга тоқат қилиб бўлмайди, дейишди кенгаш қатнашчилари. Камчиликларни тугатиш учун ҳамма чораларни кўриш уй-жойларни ишга туширишнинг йил охиригача ҳар ўн кунга мўлжалланган графикларини тузиб чиқиш ва уларнинг бажарилиши устидан қаттиқ контроллик ўрнатиш зарур. Уй-жой, мактаблар, болалар боғчалари ва бошқа социал-маданий-маиший объектлар қурилиши материал ва конструкциялар билан биринчи навбатда таъминланиши лозим.

Юбилей йилининг тўртинчи кварталида республика қурувчилари олдида айниқса мураккаб вазифалар турибди. Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун бутун кучни аввало ишга туширилади-ган ва муҳим қурилишларга тўплаш, қурилишнинг ҳамма бўғинларидаги уюшқоқлик ва аниқликни ошириш зарур, —деб таъкидлашди кенгаш қатнашчилари. Жойларда қурилиш кадрлар тайёрлашга кўпроқ эътибор бериш, орқада қолаётган қурилиш коллективларининг фаолиятини назорат остига олиш, уларга конкрет ёрдам бериш, улар уюшқоқлик билан аниқ ишлаши, давлат планини бажариши, объектларни ўз вақтида ишга туширши учун ҳамма ишни қилиш лозим. Фан ва техника ютуқларини қурилишга тезроқ жорий қилиш илғор тажрибани биринчи галда бригада пудрати методини кенг оммалаштириш керак.

Капитал маблағни ўзлаштириш, асосий фондларни, ишлаб чиқариш қувватларини, социал ва маданий объектларни ишга тушириш юзасидан белгиланган 1982 йилги планни муваффақиятли бажариш, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ҳамма резрвларни, барча имкониятларни ишга солиш энг муҳим вазифадир.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секреари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликкa кандидатлари М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, И. Б. Усмонхўжаев, СССР Госплани раисининг ўринбосари Г. П. Семенов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Қ. А. Аҳмедов, В. К. Михайлов иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

ИЛҒОР ЧОРВАДОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети чорвачилик юзасидан социалистик мусобақанинг 1982 йил тўққиз ойи мобайнидаги якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари:

Қорақалпоғистон АССР, Арнасой, Пайариқ, Боғот районларига берилди. Байроқлар Жиззах областидан, Навоий, Ўргут, Бағдод районларидан олиб берилади.

Чорвачиликни ривожлантириш юзасидан 1982 йилнинг тўққиз ойи якунлари бўйича қуйидаги колхоз, совхоз ва бошқа корхоналарнинг коллективлари республика социалистик мусобақасининг голиблари деб топилди:

Ворошилов районидаги «Қизил октябрь» колхози, Задарё районидаги Навоий номли колхоз, Қамаши районидаги «Партия XXII съезди» колхози, Нурота районидаги «Қизилча» совхози, Шеробод районидаги Н. Муродов номли совхоз, Узлавзаготживпромнинг Ўртачирчиқ бўрдоқичилик пункти, Ульянов районидаги «Ғалаба» совхози, Қўрғонтепа районидаги «Прогресс» совхози, Калинин районидаги Қорасув давлат зотли парандачилик заводи, Ўзбекистон ССР балиқ хўжалиги Давлат комитетининг Самарқанд балиқ комбинати, Фарғона область Киров район матлубот жамиятининг бўрдоқичилик хўжалиги.

ЭНГ ЯХШИ ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика министрликлари ва идоралари қишлоқ ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш юзасидан 1982 йилнинг тўққиз ойи мобайнидаги социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқларини қуйидагиларга бердилар:

— Наманган умумий овқатланиш трести ёрдамчи хўжалиги коллективи (трест директори ўртоқ Обидов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Муҳиддинов, касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Раҳимқулов). Бу коллектив йиллик топшириқ 40 тонна бўлгани ҳолда чўчқаларни 46 тонна семиртирган, ўзида урчитиш йўли билан чўчқаларни кўпайтириб, 1856 бошга етказган, 451 тонна ёғи топширишда белгиланганидан 1,8 баравар кўп озиқ-овқат чиқиндиларини тўплаган. Байроқ Тошкент область ижроия комитети умумий овқатланиш бошқармаси чўчқаларни ўстириш ва бўрдоқига боқиш саноат комплексидан олиб берилади.

«Қаршистрой» бошқармаси ҳузуридаги ёрдамчи хўжалиқ коллективи (директори ўртоқ Усмонов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ҳазратқулов, касаба союз комитетининг раиси ўртоқ Рўзимуродов). Бу коллектив корамолларни ўтган йилга нисбатан 3,8 баравар, сигирларни 1,5 баравар, қўйларни 25 процент кўпайтирган ва ҳар бир ишловчи ҳисобига ўрта ҳисобда 855 килограмм сабзавот, 594 килограмм полиз маҳсулотлари, 238 килограмм картошка, 15 килограмм гўшт ва 24 килограмм сут етиштиришни таъминлаган, дағал хашак тайёрлаш топширғини 240 процент бажарган. Байроқ Главсредазирсовхозстрой г а қарашли «Промстройматериали» трестининг Янгиер бинокорлик материаллари комбинати ҳузуридаги ёрдамчи хўжаликдан олиб берилади.

НАМАНГАН ОБЛАСТИ ҒАЛЛАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ РАПОРТИ

Наманган областининг деҳқонлари партия XXVI съезди КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларини амалга ошира бориб давлатга дон сотиш юзасидан ўз зиммаларига олган оширилган социалистик мажбуриятни бажардилар. Ватан омборларига 47 минг тонна дон етказиб берилди, бу эса 1,6 йиллик планни ташкил этади.

Областдаги ҳамма районлар меҳнат ғалабасига салмоқли ҳисса қўшдилар. Икки ва бундан ҳам кўпроқ йиллик планни бажарган Учқўрғон, Наманган, Уйчи, Задарё, Поп районларининг хўжаликлари бу соҳада айниқса намуна бўлдилар.

Норин районидаги «Октябрь», Наманган районидаги Ленин номли, Поп районидаги «Правда», Задарё районидаги Навоий номли, «Правда», Тўрақўрғон районидаги «Ўзбекистон» колхозлари ҳар гектар ердан 42—60 центнердан бошоқли экин дони йиғиштириб олиб, юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Учқўрғон районидаги Ленин номли, «Учқўрғон», Уйчи районидаги «Қизил равот» совхозларининг, Наманган районидаги Оржоникидзе номли, Норин районидаги «Коммунизм», Поп районидаги« Партия XXII съезди», Чортоқ районидаги Навоий номли колхозларнинг маккажўхорикорлари маккажўхори етиштириш юзасидан мажбуриятларини ошириб бажардилар ва ҳар гектар ердан 80-85 центнер «каҳрабо дон» олдилар.

Задарё районидаги «СССР 60 йиллиги» совхозидан М. Қаюмов, Учқўрғон районидаги «Ленинград» колхозидан С. Тўраев, Тўрақўрғон районидаги Димитров номли колхоздан Е. Қодиров, Наманган районидаги Охунбобоев номли колхоздан Е. Сиддиқов, Чортоқ районидаги Навоий номли колхоздан Е. Қаҳҳоров сингари комбайнчилар 500—600 тоннадан маккажўхори дони янчиб, ҳосил ўрим-йиғимида фидокорона меҳнат қилдилар.

Бу муваффақиятга колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари собитқадамлик билан ишлаганликлари туфайли эришилди.

Ҳозирги вақтда область меҳнаткашлари бутун ҳосилни сира нобуд қилмай йиғиштириб олиш, қишлоқ хўжалик йилини муваффақиятли тугаллаш, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини янгидан-янги ютуқлар билан кутиб олиш учун пахта далаларида қизғин кураш олиб бормоқдалар.

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганлиги учун қуйидаги область республика Ҳурмат тахтасига ёзилди:

Тошкент области — область партия комитетининг секретари ўртоқ **Мусахонов**, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Алимов**, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи вазифасини ижро этувчи ўртоқ **Бойназаров**, «Заготхлопкопром» область бирлашмасининг бошлиғи ўртоқ **Қосимов**, область Сельхозтехника бирлашмасининг раиси ўртоқ **Хегай**, область сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Турсунов**, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи область комитетининг раиси ўртоқ **Ражапов**, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Маҳмудов**.



Арнасой районидаги Юлиус Фучик номли совхозда пахта тайёрлаш планининг шараф билан адо этилишида моҳир механик-ҳайдовчи Қўшмурод Холбоевнинг муносиб улуши бор. Об-ҳаво ноқулайликларига қарамай, у кунига 5—6 тоннадан жавоҳир териб, ҳамкасбларига намуна бўлмоқда. Ташаббускор механизатор мавсумда 200 тонна «оқ олтин» териб бериш юзасидан олган юксак мажбуриятини бажариш арафасида турибди.

Суратларда: 1. «Зангори кема»лар пахтазорда. 2. Пешқадам механизатор Қ. Холбоев.

А. Тўраев фотолари.

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

БУТУН ЧОРАЛАР БИЛАН ТЕРИМ СУРЪАТИНИ ОШИРАЙЛИК

15 октябргача республикамизда 4.104.780 тонна пахта, шу жумладан 299.528 тонна ингичка толали пахта тайёрланди. Машиналар билан 2.028.711 тонна хом ашё йиғиштириб олинди.

Ҳавонинг чарақлаб кетиши кунлик терим суръатини бир мунча ошириди. 14 октябрь куни республика бўйича тайёрлов пунктларига 70.852 тонна «оқ олтин» топширилди, унинг 51.444 тонноси бункерлардан бўшатилди.

ҲОСИЛНИ ҲАР ҚАНДАЙ ШАРОИТДА ҲАМ ЙИҒИШТИРИБ ОЛАЙЛИК! ҲАР КУН ВА ҲАР СОАТДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙЛИК!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

15 октябрь куни Тошкент области хўжаликлари давлатга пахта топшириш йиллик планини республикада биринчи бўлиб бажардилар. Тайёрлов пунктларига 432,7 минг тонна «оқ олтин» келтирилди, бу йиллик топшириқнинг 100,63 процентини ташкил этади. Ҳар гектар майдондан олинган ҳосил 32 центнер бўлди.

Ялпи ҳосилнинг 96 процентидан зиёди юқори сортларга қабул қилинди, биринчи ва иккинчи сортларнинг салмоғи 81 процентдан ошди. Бу ғалабада терим техникасидан самарали фойдаланиш ҳал қилувчи роль ўйнади, тайёрланган ҳосилнинг 82 процентидан ортиғи машиналарда териб олинди. Область уруғлик пахта тайёрлаш йиллик планни ҳам адо этди.

Тошкентлик деҳқонлар терим суръатини бўшаштирмай яқин кунларда социалистик мажбуриятни бажариш, етиштирилган «оқ олтин» ҳосилнинг ҳаммасини қисқа муддатларда, нобудгарчиликсиз йиғиштириб олиш учун курашмоқдалар.

Навоий

Навоий области деҳқонлари ингичка толали пахта тайёрлаш планини бажардилар. Гектаридан 27,3 центнердан ипак пахта олиниб, тайёрлов пунктларига 15 минг тонна қимматли хом ашё топширилди. Унинг учдан бир қисми — 5.000 тоннаси машиналарда териб олинди.

Бу муваффақиятга Қизилтепа районидаги «Ленинград» ва «Партия XXII съезди» колхозлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Ҳосил йиғим-теримида механик-ҳайдовчилардан **Камол Ашуров ва Орзикул Раҳмовлар алоҳида намуна кўрсатишди.** Область меҳнаткашлари ингичка толали пахтанинг ҳосилдорлигини 40 центнерга, 7 ноябргача ипак пахта ҳирмонини 22 минг тоннага етказишга аҳд қилишди.

Хоразм

Областда яна уч хўжалик дастлабки довондан ошди. Хонқа районидаги **«Хоразм» колхози гектаридан 39 центнердан ҳосил олиб, тайёрлов пунктига 5.720 тонна хом ашё топширди.** Азаматлар ҳосилдорликни 45 центнерга, ялпи хирмонни эса 6.500 тоннага етказишга сўз беришди.

Янгибозор районидаги «Леннизм» колхозида гектаридан 38,7 центнердан ҳосил олинди. Давлатга 4.145 тонна «оқ олтин» сотилди.

Хазорасп районидаги **Ждаков номли колхоз пахтакорлари 40 центнерлик маррани эгаллашди. Тайёрлов пунктларига 3.850 тонна пахта жўнатилди.**

Область бўйича 14 та хўжалик ва 372 та бригада мажбурият ҳисобига пахта топширяпти.

ҚҚАССР

Элликқалъа районидаги қўриқ **«Элликқалъа» совхози пахтакорлари бир кунда йиллик планнинг 2,3 процентимиқдорида пахта топширдилар.** Совхоз далаларида 15 та терим агрегати ишлатиляпти, уларнинг кунлик унуми 4,5 тоннани ташкил этмоқда.

Беруний районидаги **«Беруний» совхози меҳнаткашлари 7.400 тонна пахта топшириб, йиллик планни бажардилар.** Унинг 80 процентидан бункерлардан бўшатилди.

Сирдарё

Ворошилов районидаги Куйбишев номли колхозда **Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қозоқбой Ботиров бошлиқ бригада 82 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36 центнердан ҳосил олиб, йиллик планни уддалади.** Ҳамма ҳосил биринчи сортларга қабул қилинди.

Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтининг 200 нафар студенти Ильич, Боёвут ва Меҳнатобод районлари хўжаликларида машинада пахта теришяпти. Улар ҳозиргача агрегатлар билан 8 минг тонна пахта териб бердилар.

Фарғона

Тошлоқ районидаги Карл Маркс номли колхоз далаларида **Марғилон педагогика билим юрти талабалари зарбдорчасига меҳнат қилишяпти.** Бўлғуси педагоглар мавсум бошидан буён 1.200 тонна пахта териб беришди.

Қува районида 133 та қишлоқ магазини ва 15 та автодўкон пахтакорларга хизмат кўрсатяпти.

Наманган

14 октябрь куни **Учқўрғон** районидаларида **16 минг нафар теримчи зарбдорчасига** меҳнат қилди. Уларнинг ҳар бири 41 килограммдан пахта терди.

Чортоқ районидаги Навоий номли колхознинг **Шарифбой Қурбонов бошлиқ бригадаси деҳқонлари районда биринчилардан бўлиб планни уддалади.**

Қашқадарё

Яккабоғ районидаги пахтакорлари ўтган куни ингичка толали пахта тайёрлаш планини бажардилар. Тайёрлов пунктларига 1.035 тонна қимматбаҳо хом ашё топширилиб, унинг ҳаммаси биринчи сортларга қабул қилинди. Яккабоғликлар бу йил 1.500 тонналик ипак пахта хирмони тиклаш мажбуриятини олишган.

Китоб районидаги «Партия XX съезди» совхозидан **Неъмат Қаюмов бошқарувчилик қилаётган бўлим чўлқуварлари дастлабки довондан ошдилар.**

Бухоро

Областда яна икки хўжалик планини бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Олот районидаги **Файзулла Хўжаев номли совхоз 2.800 тонна ва «Оқ олтин» колхози 2.250 тонна пахта топширдилар.**

Область меҳнаткашлари узум тайёрлаш планини адо этишди. Давлатга 32 минг тонна узум топширилди.

Сурхондарё

Ўтган куни **Ленин йўли районида пахта топшириш бўйича қўшимча мажбурият қабул қилишга бағишланган митинг бўлиб ўтди.** Район меҳнаткашлари СССР 60 йиллигини муносиб кутиб олишга ҳозирланиб, ҳар гектар майдон ҳосилдорлигини 46 центнерга, ялпи хирмонни 75 минг тоннага етказишга сўз беришди.

Самарқанд

Пайариқ районидаги **«Соҳибкор» совхози 280 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 29 центнердан ҳосил олиб, йиллик планни бажарди.**

Нарпай районидаги Ислом шоир номли совхозда **СССР Олий Совети депутати Усмон Маҳмадиёров механизаторлар мусобақасида пешқадамлик қиляпти.** У мавсум бошидан буён 350 тонна пахта терди. Ғолиб дала гвардиячилари сафида Каттақўрғон районидаги «Правда» колхозидан **Баҳром Убайдуллаев**, Большевик районидаги Карл Маркс номли колхозда **Мусурмон Эррашевлар бор.**

Андижон

Марҳамат районидаги Свердлов номли колхозда **Қумрихон Нурановна қўл теримида областда биринчи ўринда бораяпти.** У мавсум бошидан буён 15 тонна пахта териб, мажбуриятини бажарди.

Балиқчи районидаги «Пахтакор» колхозидан **Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, Ленин ордени соҳибаси Ширмонхон Саломова бошлиқ бригада 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 37 центнердан ҳосил олиб, планни уддалади.**

МЕҲНАТ МУВАФФАҚИЯТИ

Калинин районидаги «Партия XXI съезди» совхози чорвадорлари меҳнат муваффақиятига эришиб, сут соғиб олиш йиллик планини муддатидан илгари адо этдилар. Ҳар бош сигирдан 4 минг килограмм сут соғиб олинди. Бу эса жонворларнинг яхши парвариш қилинганлиги, тўғри озиқлантирилганлиги, сермеҳнат жараёнлар комплекс механизациялаштирилганлиги самарасидир.

Тошкент областида сут соғиш бўйича олдинги ўринлардан бирини эгаллаб келаётган совхоз чорвадорлари «Красний водопад» экспериментал базасининг сут соғувчи-операторлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анастасия Чудная тажрибасини ўз хўжаликларида кенг жорий этмоқдалар. Сут соғувчи коммунист Қўчқор Қучқандиров илғор методлардан фойдаланиб 30 бош сигирнинг ҳар биридан йил бошидан буён 5 минг килограммдан сут соғиб олишга муваффақ бўлди. У юбилей йилида ҳар бош сигирдан камида беш ярим минг килограмм сут соғиб олишни ўз олдига мақсад қилиб олган.

Совхоз чорвадорлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ҳар бош сигирдан соғиб олинадиган сутнинг ўртача йиллик миқдорини беш минг килограммгача етказишга аҳд қилдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

БЕШ ТИЛДА

Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти Президиуми XI мажлисини очиш маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов сўзлаган нутқни Тошкентдаги нашриётлар брошюра қилиб чиқарди.

Брошюралар рус, ўзбек, араб, инглиз ва француз тилларида кўп нусхада нашр этилди. (ЎзТАГ).

УЛКАН ХИРМОН УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида шу йил 15 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Тошкент	1,10	99,61	1,04	96,68
Хоразм	1,32	84,81	1,74	68,94
Бухоро	0,99	80,00	0,85	27,90
ҚҚАССР	1,50	79,70	1,92	63,48
Навоий	1,18	74,30	1,53	45,74
Сурхондарё	1,16	72,76	0,66	47,72
Сирдарё	1,05	69,21	0,84	72,96
Наманган	1,13	63,80	1,11	39,40
Жиззах	1,36	62,07	0,76	62,09
Андижон	1,23	61,16	1,88	35,65
Қашқадарё	1,31	59,41	1,51	39,61
Самарқанд	1,21	57,93	1,83	40,20
Фарғона	1,11	57,01	1,52	33,32
Республика бўйича	1,20	69,69	1,31	51,75
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Навоий	2,65	99,77	4,34	57,64
Сурхондарё	1,68	85,49	1,20	67,16
Наманган	1,32	73,86	2,13	13,13
Бухоро	0,90	62,51	0,83	0,83
Қашқадарё	2,50	59,91	1,89	28,63
Республика бўйича	1,92	76,80	1,51	50,33

ПАХТАОБОД ГАЗЛАМАСИ

КОРХОНА ФИЛИАЛЛАРИНИНГ ҚУВВАТЛАРИНИ ТЕЗРОҚ ЎЗЛАШТИРАЙЛИК

Фарғона водийси аҳолиси учун тўқувчилик иши азалдан-азалдга ўтиб келган анъанавий хунармандчилик ҳисобланади. Қадимда олтин водий шаҳарларида тўқилган газламалар ўзининг нафислиги, сержило ва гўзаллиги билан довруг таратган. Улар фақат шарқ бозорларидагина эмас, Европада ҳам машҳур бўлган. Бироқ, шундай гўзал, ранг-баранг матоларни ҳунармандлар қўлда, жуда оддий усулда тўқишган.

Фақатгина бизнинг давримизда тўқимачилик саноат асосига, замонавий технологияга кўчирилди. Фарғона ва Андижон шаҳарларида ип-газлама комбинатлари қад ростлади. Йиллар ўтиши билан улар замонавий ускуналар, поток линиялари билан таъминланиб, юқори даражада техника билан жиҳозланган замонавий корхоналарга айланди. Бугунги кунда Андижон ип-газлама комбинати республикамиздаги енгил саноат корхоналарининг энг йирикларидан бири бўлиб қолди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар мамлакатимизнинг турли шаҳарларига, шу жумладан чет элларга ҳам жўнатилмоқда.

Область енгил саноатининг гиганти — Андижон ип-газлама комбинатининг қувватлари тобора ошиб бормоқда. Ўзбекистон Компартиясининг XX съездида республикамизнинг қишлоқ районларида, айниқса, Андижон областида аҳолининг табиий ўсиши жуда юқори, шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш қувватларини яхшироқ фойдаланиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Партия ва ҳукуматимизнинг кўрсатмаларига биноан Андижон ип-газлама комбинатининг филиаллари қурилиши бошланган эди. Комбинатнинг иккинчи филиали Пахтаобод шаҳрида қурилмоқда. Бугунги кунда қурилишда аҳвол қандай? «Узколхозстрой» бирлашмасининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли Андижон «Облколхозстрой» тресті бош инженери Комилжон Файзиев бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди:

— Ўтган йили ингирув фабрикаси мудватидан илгари фойдаланишга топширилган эди. Смета қиймати 8 миллион сўмдан кўп бўлган бу объект муддатидан 16 ой илгари ишга туширилди. Пахтаобод шаҳридаги бизнинг 9-колхозлараро механизациялашган кўчма колоннамиз объектда бош пудратчи ҳисобланади. Колонна коллективи қисқа вақт ичида жуда катта ҳажмдаги ишларни муваффақиятли адо этди.

Бу колонна коллективига биринчи марта бундай йирик объект қурилиши топширилди. Бу ерда бажарилиши лозим бўлган қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми 4 миллион сўмни ташкил этарди. Шунинг учун ҳам қурилиш муддатини икки баравар қисқартириш дастлаб амалга ошириб бўлмайдиган ишдек



туюлди. Бироқ, қурувчилар ўз сўзларининг устидан чиқдилар. Улар объектни белгиланган 27 ой ўрнига 11 ойда тикладилар. Ҳом ашёни дастлабки қайта ишлайдиган янги фабрика — ип-газлама саноати учун жуда зарур база ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у билан ёнма-ён тўқувчилик фабрикаси корпуслари қад ростлади.

Филиалнинг ишлаб чиқариш корпуслари бир неча гектарни эгаллаган. Икки мустақил корхона: ингирув ва тўқувчилик фабрикалари унинг таркибига киради. Уларнинг иккаласи ўз миқёси, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва замонавий ускуналар билан жиҳозланиши, шунингдек, технологик жараёнларни юксак даражада механизациялашган ва автоматлаштирилганлиги жиҳатидан ноёб корхоналардан саналади. Буларнинг ҳаммаси пахтаободлик тўқимачилар юксак меҳнат унумдорлигига эришишни ва маҳсулотнинг юқори сифат билан чиқарилишини таъминлайди.

Тўқувчилик фабрикаси иккинчи навбатининг смета қиймати 7 миллион 846 минг сўмни ташкил этади. Таъминотдаги қатор қийинчиликларга қарамасдан буюртмачи қурувчиларга зарур ускуналарни ўз вақтида етказиб берди, қурилиш штаби барча масалаларни оперативлик билан ҳал этиб, бинокорлар ишни узлуксиз олиб боришини тамъинлади. Область ва район партия, комитетлари, совет органлари қурилишга ҳар томонлама ёрдам кўрсатдилар.

Объектни малакали ишчи кучлари, материаллар, конструкциялар, зарур техника ва автотранспорт билан узлуксиз таъминланиши туфайли фабрика қурилиши белгиланган 24 ой ўрнига 8 ойда тамомланди. Шундай қилиб, қурилиш муддатини қариб уч баробарга қисқартиришга муваффақ бўлинди.

Бир сўз билан айтганда, бош пудратчи қурилишнинг барча участкаларида ишни уюшқоқлик билан ташкил этиб, юксак сурат ва сифат кўрсаткичларига эришди. Ишчи комиссияси томонидан маъмурий-маиший корпус, ободонлаштириш ишлари «яхши» баҳога қабул қилинганлиги бунинг исботи бўла олади.

Тўқувчилик фабрикаси қурилишида 9-колхозлараро механизациялашган кўчма колоннанинг 16 та бригадаси ишлади. Уларни 4 таси Злобин методи асосида иш юритди. Колхоз қурувчилари иқтисод ва тежамкорлик, меҳнатни ташкил этиш ва нормалаштиришнинг илғор методларини жорий этиш учун доимий равишда кураш олиб бордилар. Бунинг шарофати туфайли хўжалик ҳисобидаги бригадалар сони 6 тага етди. Улар қурилишда энг юксак кўрсаткичларни қўлга киритдилар.

Коммунистлар кўпгина хайрли ҳаракатларнинг ташаббускорлари бўлишмоқда. Масалан, III даражали меҳнат Шуҳрати ордени қазалари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор, район Советининг депутати, коммунист Эркин Тўлашов етакчилигидаги хўжалик ҳисобидаги комплекс бригаданинг меҳнат ютуқлари республикамизда жуда машҳур. Бу бригада коллективи трестда биринчилардан бўлиб республикамизнинг 15 нафар илғор қурувчи ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватладилар. Айни кунларда бу бригада аъзолари аҳдларига яраша меҳнат қилмоқдалар. Улар ўн биринчи беш йиллик топшириқларини 4.5 йилда бажариш мажбуриятини зиммаларига олишган. Сотволди Ҳамробоев, Тожимат Мирзажонов ўртоқлар раҳбарлигидаги бригадалар ҳам беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш иштиёқида гайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Коммунистлар ўз сўзлари ва шахсий ибратлари билан бошқаларга намуна бўлиб, масъулиятли участкаларда виждонан ва ташаббускорлик билан ишлашяпти. Еш коммунистлардан участка бошлиғи Дилмурод Жўраев, прораб, «Ҳурмат белгиси» ордени кавалери Ганижон Комилов, комсомол аъзоларидан қурилиш мастерлари Иброҳимжон Юсупов, Турсунбой Мусаевлар коллективда обрў-эътибор қозонишган.

Йирик тўсинлар ва йиғма конструкциялар панелларининг қўлланилганлиги қурилиш муддатларини қисқартириш, меҳнат унумдорлигини кескин даражада ошириш ва кўплаб меҳнат ва моддий ресурсларни тежаб қолиш имконини берди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, колонна ишлаб чиқариш-техника бўлимининг катта инженери Анваржон Раҳимов объектларнинг техник ҳужжатларини пухта юритди.

—СССР 60 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақа тиғиз иланлар ва мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлади, —дейди колонна бош инженери Нуъмонжон Ҳайиталиев. —Иш натижаларини ўз вақтида якунлаб туриш, мусобақанинг оммавийлиги ва таъсирчанлигини таъминлаш ўзининг қувончли натижаларини берди. Голиблар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилди.

Меҳнат беллашувида кран машинисти Евгений Новиков, автомашина шофёри Ортиқбой Ботиров, тракторчилар Анвар Алимов, Камолиддин Жамолов, бетончи Анвар Жамбулов, ғишт терувчи Алишер Нишонов, сувоқчи Муҳаммаджон Солаев, дурадгор Муҳаммаджон Сулаймонов ва бошқалар қунлик нормаларини 200—220 процентдан бажариб, бошқаларга ўрнак бўлдилар.

Қатор ёрдамчи пудратчилар, жумладан, Андижон «Облколхозстрой» трестига қарашли 7-, 41-колхозлараро ихтисослашган механизациялашган кўчма колоннолар, 1-«Узколхозспецстрой» трестининг 6-, 20-кўчма колоннолари, 2-«Узколхозспецстрой» трестининг 67-кўчма колоннаси, «Узоргтехколхозстрой» трестининг 109-кўчма колоннаси, республика яйлов-мелиоратив қурилиш бирлашмасининг Андижон механизациялашган кўчма колоннаси, «Промвентиляция» трести, «Узсельэлектромонтаж», трестининг Фарғона механизациялашган кўчма колоннасига қарашли Андижондаги хўжалик ҳисобидаги участкаси ва бошқа қатор ташкилотлар аъло даражада меҳнат қилиб, объектларнинг муддатидан илгари ишга туширилишини таъминладилар.

Ҳозир бу ерда қувватларни ўзлаштириш қизғин давом этмоқда. Ҳадемай корхона тўла қувват билан ишга тушиб, Пахтаободнинг асл газламалари магазинларимизга кела бошлайди.

А. ЗОКИРОВ,
«Узколхозстрой» бирлашмаси матбуот марказининг мухбири.

Суратда: Андижон ип-газлама комбинатининг Пахтаобод районидаги филиали цехларидан бирида. М. Миржалолов фотоси.

БЕҚАСАМ ЖИЛОСИ

Кенг ва ёруғ хонада дастгоҳлар бир маромда ишламоқда. Дераза пардаларини енгилгина шаббода силкитиб ўйнайди. Ўз ишларига беріиб меҳнат қилаётган ишчи хотин-қизлар тўқув дастгоҳлари ёнида чаққон ҳаракат қилишмоқда. Зум ўтмай тароқ нусха, жилоси кўзни қамаштирувчи беқасамлари ўрами пайдо бўлади.

Биз Қашқадарё область Китоб шаҳридаги шойи тўқиш фабрикасининг филиалидамиз. Ҳамроҳимиз — шойи тўқиш фабрикасининг бош инженери Бахтиёр Каримов мазкур филиал цехида Муқаддам опа Ғаффорова етакчилик қилаётган бригада чеварлари амалга ошираётган ибратли ишлар тўғрисида тўлқинланиб гапирди.

— Муқаддам опа Ғаффорова корхонамизда тажрибали ишчилардан ҳисобланади, — дея сўз бошлади Б. Каримов. —Муқаддам Ғаффорова сакқиз нафар тўқувчи уюшган бригадага раҳбарлик қилиб келмоқда. Аҳил коллектив меҳнатсеварлари республикамиздаги бир группа илғор ишчиларнинг бир беш йилликда икки беш йиллик план-топшириқларини шараф билан бажариш юзасидан бошлаган ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб ишлаб, қувончли натижаларни қўлга киритиб келмоқдалар. Бригада чеварлари шу кунгача 17 минг ўрнига 34 минг погон метр сифатли беқасам тўқиб, юбилей йилининг саккиз ойлик планини ортиғи билан адо этишди.

Фабрикада мураббийлик ҳаракати яхши йўлга қўйилган. Қариб йигирма беш йилдан буён шу корхонада самарали хизмат қилиб келаётган Муқаддам опа ҳозиргача ўттиз нафар ёш ишчига касб-ҳунар ўргатди. Моҳира Мажидова, Санобар Ҳусанова, Моҳира Воҳидова, Мавлуда Юсупова каби илғор тўқувчилар опанинг шогирдларидандир.

— Бригада тўқувчилари СССРнинг 60 йиллиги нишонланадиган кунгача 4 йиллик план-топшириқларини бажаришга азму қарор қилишган, — дейди М. Ғаффорова. — Бунинг учун бизда барча имкониятлар бор. Бригадамизнинг Қаромат Гадоева, Фазилат Жабборова каби илғор тўқувчилари айни кунларда вақтдан ўзиб 1984 йилнинг ноябрь ойи ҳисобига меҳнат қилишмоқда.

И. АЗИЗОВ.

ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ"ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТМОҚДА, ПАХТАКОР ЎРТОҚ?

«Қишлоқ ҳақиқати» ва «Ферганская правда» газеталарининг юқоридаги сарлавҳали қўшма рейд материалида (22 сентябрь) СССРнинг 60 йиллиги тўйига муносиб совға тайёрлаш учун бир жон, бир тан бўлиб меҳнат қилаётган Тошлоқ райони дала меҳнатчиларининг ишдан сўнг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун етарли шароит яратилмаганлиги, деҳқоннинг иккинчи уйи —дала шийпонларининг жиҳозлари талаб даражасида эмаслиги танқид қилинган эди.

Рейд материал юзасидан қуйидаги жавоб олинди.

ТОШЛОҚ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

«Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда, пахтакор ўртоқ?» сарлавҳали рейд материал район партия комитетининг кенгайтирилган бюросида райондаги барча колхозларнинг раислари, партия ташкилотларининг секретарлари, турмуш маданияти бўйича раис ўринбосарлари иштирокида атрофлича ўрганиб чиқилди ва муҳокама этилди. Мақолада кўрсатилган барча фактлар тасдиқланди.

Колхозчиларнинг иккинчи уйи —дала шийпонларида меҳнаткашларнинг дам олишлари учун етарли шароит яратишдаги йўл қўйган камчиликлар учун «Ленинград» колхози партия ташкилотининг секретари У. Каримов, «Фарғона» колхози турмуш маданияти бўйича раис ўринбосари М. Иброҳимова, М. Горький номли колхоз турмуш маданияти бўйича раис ўринбосари Н. Хўжаназаров ўртоқлар район партия комитетининг бюро қарори билан огоҳлантирилдилар. Уларга йўл қўйилган камчиликларни зудлик билан бартараф этиб, район партия комитетига ёзма ахборот бериш вазифаси топширилди.

«Ленинград», «Фарғона» ҳамда М. Горький номли колхозлар ва бошқа колхозларнинг партия комитетларига дала шийпонларини етарли инвентарлар билан таъминлаш, агитаторлар, шийпон мудирларининг семинарларини ўтказиш, дала шийпонларини оммавий-сиёсий иш марказига айлантириш вазифаси топширилди.

Район маданият бўлими, район медицина бирлашмаси, кинолаштириш дирекцияси, матлубот жамиятлари союзи правлениеси ва район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатига колхозчиларга бевосита дала шийпонининг ўзида хизмат кўрсатишни янада яхшилаш зарурлиги эслатиб ўтилди.

Район партия комитети шуни ишонч билан қайд этадики, йўл қўйилган камчиликларни қисқа фурсатда бартараф этиб, колхозчиларнинг иккинчи уйи —дала шийпонларини оммавий-сиёсий ишлар марказига айлантиради.

О. ХОЛМАТОВА,
Тошлоқ район партия комитетининг секретари.

РЕСПУБЛИКА МАКТАБИ— БУТУНИТТИФОҚ МАКТАБИ

Тошкентдаги полимер лигандалари координацион бирикмаларга бағишланган биринчи республика мактабида машғулотлар давом этмоқда. Мактаб машғулотлари Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Полимерлар химияси ва физикаси институти базасида ўтказилмоқда. Ўзбекистоннинг кўпгина шаҳарларидангина эмас, шу билан бирга мамлакатнинг бошқа қардош республикаларидан ҳам республика пойтахтига келган тингловчилар ҳузурида таниқли олимлар лекция ўқимоқдалар.

Ленин мукофоти лауреати, СССР Фанлар академияси мухбир аъзоси, СССР Фанлар академияси Умумий ва техникавий химия бўлими академик секретарининг ўринбосари, Москва Давлат университети юқори молекуляр бирикмалар кафедрасининг мудири В. А. Кабанов олимларнинг Тошкентдаги учрашувлари катта аҳамиятга эга эканлигини айтди.

СССР Фанлар академияси Элементоорганик бирикмалар институти лабораториясининг мудири, СССР Фанлар академияси мухбир аъзоси М. Е. Вольпин қуйидагиларни таъкидлади:

— Кенг кўламда тажрибани ўртоқлашиш, янги илмий ишлар билан танишиш олимларга ишлаб чиқариш ходимлари билан алоқани мустаҳкамлаш, келгусидаги ишларнинг программасини ишлаб чиқиш имконини беради. Ўзбекистонда тадқиқотчилар билан саноат ходимлари ўртасида ана шундай мустаҳкам алоқалар ўрнатилган. Бу эса бир қанча ғоят муҳим халқ хўжалик вазифаларини, шу жумладан юқори самарали ўғитлар ишлаб чиқиш каби вазифани ҳал этиш имконини берди. (ЎзТАГ).

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

РЕЙГАН МАЪМУРИЯТИНИНГ ОШКОРА ДЎҚ-ПЎПИСАСИ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Рейган маъмурияти бирлашган Миллатлар Ташкилотига нисбатан яна ошкора дўқ-пўписа ва қўпол тазйиқ қилди. Бу гал Араб мамлакатлари Исроилнинг Ливанга ва Фаластин халқига қарашли жиноий агрессияси муносабати билан унинг халқаро ҳамжамиятга аъзо бўлиб қолиш ҳуқуқи масаласини қўйганлиги Вашингтонни ғижиндирди. АҚШнинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Ж. Киркпатрик хоним матбуот конференциясида Оқ уйга хос ғоят такаббурлик ва ана шу халқаро анжуманни менсимаслик руҳида гапириб, Исроил БМТдан ҳайдаб чиқарилган тақдирда Америка делегацияси Бош Ассамблеянинг ҳозирги XXXVII сессиясидан кетиб қолажагини айтди. Шу билан бирга у соғлом фикрга зиддиятли равишда даъво қилиб айтдики, халқаро ҳуқуқни ва халқаро ҳамжамиятнинг хохиш иродасини мунтазам суръатда ва қўпол равишда поймол этаётган Исроилни ҳайдаш тўғрисидаги масала қўйилишининг ўзи гўё оз бўлмаса БМТ яшаш қобилиятининг ўзига хавф солар эмиш.

Дўқ-пўписа сиёсатининг таниқли маддоҳи Ж. Киркпатрик ҳатто БМТ Тель-Авивга қарши чоралар кўришга журъат этган тақдирда бу ташкилотга нисбатан молиявий «жазолар» билан ҳам таҳдид қилди.

Бугун «Нью-Йорк таймс» газетасида эълон қилинган душманлик руҳидаги мақолани автори У. Сэфайр БМТнинг қарорғоҳи умуман Қўшма Штатлар территориясидан йўқотилишини талаб қилиб, ундан ҳам ошиб тушди.

Ҳеч шубҳасиз, БМТ шаънига қилинаётган қўпол, бақириқлар, ташкилотга нисбатан ўз ҳукмини ўтказиш йўлидаги ошкора урунишлар шу билан изоҳланадики, тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун, ядровий қуролланиш пойгасига қарши, халқаро хавфсизлик учун курашда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тутаётган конструктив позиция Вашингтонга ёқмаяпти.



Улар ярим ҳарбийча кийинган, елкаларида Америка автоматлари, иштаҳалари ҳам чакки эмас: Кубанинг қонуний ҳукуматини ағдариш. Умберто Альварадо (суратда чапда) ва унга ўхшаш Лотин Америкасидан қочган, халқаро террорчи, контрреволюцион унсурлар Америка маъмурлари қанотн остидан паноҳ топишган. Флориданинг Иверглейдс деган жойидаги ботқоқликларда жойлашган, расмий жиҳатдан «Альфа-66» деб аталадиган лагерда нстиқомат қилувчилар (бундай лагерлар Гватемала, Гонду рас, Сальвадор ва Коста-Рикада ҳам борлигини ошкора айтадилар) Альварадо раҳбарлигида кечаю-кундуз пана-дан туриб пичоқ уриш, соқчиларни овоз чиқармай бартараф қилиш ва бошқа «касб»ларни машқ қиладилар. Кубага гуруҳлар тушириб, шакарқамишзорларга ўт қўйиш, транспорт магистралларини ишдан чиқариш ва бошқа диверсия ишларига тайёргарлик кўрмоқдалар.

ТАСС фотохроникаси.

«ЛОЙИҲА—74» АМАЛДА

АДДИС-АБЕБА (ТАСС мухбири). Аддис-Абеба ишчи ва хизматчиларининг 120 ойлисига тантанали вазиятда янги уйларнинг калитлари топширилди. Эфиопия ҳукумати амалга ошириб бораётган «Лойиҳа—74» нинг биринчи босқичи тугади. Бу лойиҳа пойтахт меҳнаткашларини қулбаларидан янги шинам уйларга кўчириб ўтказишни кўзда тутади.

Шу лойиҳага биноан бу йил тўрт мингдан кўп киши ўзининг уй-жой шароитини яхшилаб олади. Қурилишга 3,4 миллион маблағ сарфлаш мўлжалланади.

—Аддис-Абебада кенг кўламда ажр олдириб юборилган уй-жой қурилиши,—деди Эфиопия шаҳарни ривожлантириш ва уй-жой қурилиши министри Тезфайе Мару. —революцион ҳукумат халқнинг турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилаётганлигининг далилидир.

Аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжи муттасил ошиб бораётганлигини назарда тутиб, уйлар мумкин қадар қисқа муддатларда қуриб битказилмоқда. «Яқин фурсатда шаҳарнинг энг хушманзара районларидан бирида 120 та уйни қуришга киришамиз,— деди министр. —Айни маҳалда эски кварталлар реконструкция қилинмоқда. Тез орада бу ерда ҳам янги бинолар қад кўтариб, Эфиопия пойтахтининг қиёфасини безайди.

А. КРИЛОВИЧ.

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

БЕРЛИН. Хеннигсдорф шаҳридаги Г. Баймлер номли завод коллективи беш йиллик топшириғида белгиланганига қараганда 40 та кўп электровоз ишлаб чиқариш мажбуриятини олди. Республикада темир йўлларнинг жадал электрлаштирилаётганлиги электровозлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни тақозо қилди. Шу беш йиллик мобайнидагина электр кучи билан ҳаракат қиладиган магистраллар тармоғи қариб бир ярим баравар кўпаяди.

Хеннигсдорф машинасозлари электровозлар тайёрлашда катта тажриба тўпладилар. Улар 1949 йилдан бошлаб мамлакатда ва чет элда шуҳрат қозонган ўн мингдан кўпроқ локомотивларни қуриб бердилар. Корхона маҳсулотининг ярмидан ортиғи давлат сифат белгисига эга бўлганлиги диққатга сазовордир.

Корхона ўз маҳсулоти турини тинмай янгиламоқда. Ҳар йили ишлаб чиқарилаётган барча электровозларнинг ўрта ҳисобда 25 процентн янги ёки такомиллаштирилган локомотивлардан иборат.

ЖАҲОН СТАНДАРТЛАШ КУНИ

ЖЕНЕВА. Жаҳон стандартлаш ташкилоти (ЖСТ) бу ерда ҳар йилги анъанавий «Жаҳон стандартлаш куни»ни ўтказди. Шу воқеага бағишланиб Женеванинг миллатлар саройида уюштирилган экспозиция стендларида (ЖСТ)нинг актив иштирокида ишлаб чиқилган ҳар хил ҳужжатлар, диаграммалар, статистик таблицалар, шартномалар луғатлар қўйилди.

Бу йил ўзининг 35 йиллигини нишонлаётган ташкилотда 90 мамлакат, шу жумладан СССР ҳамкорлик қилаётганлиги туфайли 5 минга яқин уникация қилинган нормалар ва стандартлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. ЖСТнинг ҳозирги вақтдаги энг муҳим вазифаларидан бири ривожланаётган мамлакатларни халқаро стандартлаш жараёнига актив жалб этишдан иборат.

ПИВАН ГАЗЕТАСИ ФОШ ЭТДИ

ДАМАШҚ. Бугун Сурияда чиқадиган «Нидал аш-шаб» газетаси бундай деб ёзади: Америка билан Исроил ўртасида тузилган стратегик битимга мувофиқ Вашингтон Ливанда қароқчиларча агрессия бошлаш тўғрисида Тель-Авивга буйруқ берди. Шунинг учун ҳам босқинчиларнинг Ливан диёрида қилган жиноятлари учун уларнинг америкалик ҳомийлари ва иттифоқчилари баб-баравар жавобгардир.

Вашингтон Ливанда тамомила муайян мақсадларни кўзламоқда, деб уқтириб ўтади «Нидал аш-шаб» газетаси. Америка стратеглари Исроил ҳарбийларидан фойдаланиб, регионда ўз базаларини «тез ҳаракат қилувчи» интервенцияч кучларга ҳарбий объектлар қуришни истаётир.

Қўшма Штатлар Ливаннинг ички ишларига актив аралашмоқдалар, бу ерда Исроил агрессорлари билан тил бириктириб, «сулҳ шартномаси» тузадиган Америкапараст ҳукуматни ҳокимият тепасига қўйишга интилмоқдалар.

НИКАРАГУАГА ҚАРШИ ХУРУЖ

НЬЮ-ЙОРК. Гондурасда тўпланган Никарагуа аксилинқилобчилари мустақил Никарагуага қарши қароқчиларча хуружларни давом эттирмоқдалар. Улар Гондурас маъмурларини маъқуллаши ва Қўшма Штатларнинг ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаши туфайли ҳаракат қилмоқдалар. Никарагуа чегарасидаги консепсьон —де-Мария шаҳридагина янчиб ташланмаган сомосачиларнинг иккита лагери жойлаштирилган. Гувоҳ кишиларнинг айтишича, бандитлар Гондурас офицерлари ва Америка «маслаҳатчилари» раҳбарлиги остида бу ерда икки йилдан бери ҳарбий таълим олмоқдалар. Улар Никарагуа территориясига тез-тез ҳужум қилиб, аҳолини ўлдирмоқдалар ва зулм ўтказмоқдалар, молларини ҳайдаб кетиб, уй-жойларини таламоқдалар.

Гондурас ҳарбийлари ва полициячи маъмурлари маҳаллий аҳолига шу лагерлар тўғрисида қандай бўлмасин гапиришни ва айниқса журналистларга бу тўғрида бирон-бир маълумот беришни ман қилдилар.

ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛМОҚДАЛАР

ТОКИО. Япония иқтисодий ташкилотлар федерациясининг президенти Иосихиро Инаяма давлат хизматчиларига иш ташлаш ҳуқуқи берилишига қарши чиқди. Мамлакат монополиячилар штабининг бошлиғи бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида сўзга чиқиб, бундай забастовка «Японияда социал кескинликни кучайтириши мумкин», деб даъво қилди.

Америка оккупацияси йилларидаёқ қабул қилинган қонидага кўра Япония меҳнаткашларнинг энг жангговар ва уюшган отрядларидан бири бўлган давлат хизматчилари ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида ҳар қандай коллектив ҳаракат учун қамоққа олишга қадар қаттиқ жазоланишлари мумкин. Сўл партиялар, касаба союзлари ва оммавий демократик ташкилотлар шу қаминтувчи тадбир бекор қилиниши учун қатъий курашмоқдалар.

ЧИЛИ БИЛАН ЖАР ЎЗАРО ЯҚИНЛАШМОҚДА

МАПУТУ. Жанубий Африкадаги «Саут-Африкэн эйрвэйз» авиа компанияси Чили билан бевосита ҳаво қатнови бошлади. Жанубий Африка Республикасидан олинган маълумотларга қараганда Апартеид давлатининг расмий матбуоти иккала диктаторлик режимининг бир-бири билан яқинлашуви йўлидаги янги қадамни «иккала мамлакат ўртасидаги дўстона йўлга мос бўлиб тушади», деб мақташдан ҳам тортинмади.

Маълумки, Пиночет тўдаси билан Преторияннинг ирқчи маъмурлари ўртасида дастлабки ойлик планини ортиғи билан адо этишди.

Фабрикада мураббийлик ҳаракати яхши йўлга қўйилган. Қариб йигирма беш йилдан буён шу корхонада самарали хизмат қилиб келаётган Муқаддам опа ҳозиргача ўттиз нафар ёш ишчига касб-ҳунар ўргатди. Моҳира Мажидова, Санобар Ҳусанова, Моҳира Воҳидова, Мавлуда Юсупова каби илғор тўқувчилар опанинг шогирдларидандир.

— Бригада тўқувчилари СССРнинг 60 йиллиги нишонланадиган кунгача 4 йиллик план-топшириқларини бажаришга азму қарор қилишган. — дейди М. Ғаффорова. — Бунинг учун бизда барча имкониятлар бор. Бригадамизнинг Қаромат Гадоева, Фазилат Жабборова каби илғор тўқувчилари айни кунларда вақтдан ўзиб 1984 йилнинг ноябрь ойи ҳисобига меҳнат қилишмоқда.

И. АЗИЗОВ.

Мард майдонда синалади

КАСБИМИЗНИ ШАРАФЛАБ

Меҳнат қилган элда азиз, дейишади. Халқимизнинг ана шу ажойиб ҳикматини эслаганимда дала даргаси, тажрибакор деҳқон Тургун Аҳмедов кўз олдимга келади. Кўп йиллардан бери фидокорона меҳнати билан пахтакорлик касбини шарафлаб келаётган бу ажойиб инсон хўжалигимизда бригада бошлиғи бўлиб ишлайди. Миришкор заршунос етакчилик қилиб келаётган коллектив пахта ҳосилдорлигини ошириб боришда катта тажриба тўплаган. Табиат қийинчиликларига ўз ирода ва маҳоратларини қарши қўйиб, фидокорлик намуналарини кўрсатаётган Тургун ака ва унинг меҳнаткаш ҳамкасбларн ўтган йили чўл шароитида гектаридан 55 центнердан дурдона кўтаришган эди. СССРнинг шонли 60 йиллик тўйи нишонланадиган йилда эса гектаридан 60 центнердан «оқ олтин» хирмони ўйиш — коллективнинг эзгу ниятига айланган.

Бу аҳил коллективнинг гектаридан ҳозиргача йиғиб-териб олган дурдонаси 40 центнердан ошиб кетди. Бригада саркори Тургун ака Аҳмедовнинг пахтачиликни ривожлантириш соҳасида жасоратли меҳнатини она-Ватанимиз муносиб тақдирлаган. Ҳозир унинг кўксини Октябрь революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ ҳамда «Ҳурмат белгиси» орденлари безаб турибди. У Бутуниттифоқ Халқ хўжалик ютуқлари кўргазмасининг бронза, кумуш ва олтин медалларининг соҳиби ҳамдир.

Тургун ака Аҳмедов сингари заҳматкашларни совхозимизда кўплаб топиш мумкин. Суюн Абдиев, Абдусаттор Эсергапов, Марҳабо Жумабоевлар ана шулар жумласидандир. Уз касбининг моҳир усталари бўлган бу фидокорлар етакчилик қилаётган бригадалар азаматлари фақат хўжаликда эмас, балки районда донг чиқарган коллективлардан ҳисобланадилар. Дастлабки теримдаёқ гектаридан 25—30 центнердан дурдона уйган бу миришкорлар айни кунларда юксак мажбурият ҳисобланадилар. Дастлабки ҳосилдорликни гектар бошига 40—45 центнерга етказишга қаратилган.

Қаторда норнинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, дейишади. Ана шундай тадбиркор деҳқонларимиз, мўл ҳосил усталарининг жасоратли меҳнати туфайли бўлимимиз заршунослари дастлабки маррани эгаллаганларига анча бўлди. Ҳозиргача биз 402 гектар майдоннинг ҳар гектаридан йиғиштириб олган ҳосилимиз 30 центнердан ошиб кетди. Шуниси қувончлики, ҳосилнинг барчаси биринчи сортларга қабул қилинди.

Пешона теримиз эвазига етиштирилган «оқ олтин»-имизнинг бирор миқолини ҳам исроф қилмай йиғиб-териб оламиз! Ана шу эзгу мақсадни қалбларига жо қилиб олган бўлимимиз пахтакорлари астойдил меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг пахтазордаги бунёдкорлик меҳнати хўжалигимиз марду майдонларининг 14,5 минг тонналик, қўриқ районнимиз пахтакорларининг 60 минг тонналик зафар маррасини тобора яқинлаштирмоқда.

Санд АНОРҚУЛОВ,
Арнасой районидаги Ю. Фучик номли совхозининг бўлим бошқарувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор.

Бухоро областида биринчи бўлиб зафар маррасига етиб келган Ғиждувон районн пахтакорлари қучаётган муваффақиятларга «Зарафшон» колхози марди-майдонлари ҳам муносиб улуш қўшяпти. Айниқса, «пўлат от» суворийларининг ҳиммати баланд. Уларнинг унумли ишлашлари учун барча шароит муҳайё этилган. Техника жиловкорларн билан бир сафда жавлон ураётган алоқа, маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимларн ҳам ғайрат кўрсатишмоқда.

Суратда: ишчан почтальон С. Шоимов «зангори кема» капитанларига газета ва журналлар тарқатмоқда.

А. Мирзажонов фотосн. (ЎзТАГ).

ПАХТАНИ БРИГАДА БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИШ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Агар ҳозирги долзарб кунларда республикамизда пахта териш ва тайёрлашни яхшилаштириб тасаввур қиладиган бўлсак, бу жараённинг ҳал қилувчи, энг қайноқ икки қутби кўз олдимизда намоён бўлади. Биринчи қутбда етиштирилган ҳосил уюшқоқлик, сафарбарлик, тез суръат билан териб олиняпти. Иккинчи қутбда эса ана шу териб олинган пахта пешма-пеш қабул қилиняпти ва қайта ишланяпти. Бу икки қутб бир-бири билан шундай органик боғлиқки, бамисоли улар бир вужудни ташкил этади.

Ҳозир ҳар икки қутбда ҳам ишлар қайноқ. Биз тайёрловчилар бу йилги ҳосилни пешма-пеш қабул қилиб олиш, яхши сақлаш, сифатли қуритиб, тозалаб, табиий хусусиятларини камайтирмаган ҳолда қайта ишлашнинг энг қизғин палласига кирдик. Лекин гап фақат ҳосилни пешма-пеш қабул қилиб олиб, сифатли қайта ишлашдагина эмас.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон ССРга Ленин ордени топширилишига бағишланган тантаналарда сўзлаган нутқида республикамиз пахтакорларининг ютуқларини юксак баҳолаб, айни пайтда пахтанинг сифати бирмунча пасайиб кетганлигига диққат-эътиборни қаратди. Пахта тайёрлаш ва уни қайта ишлашни бугунги кун талаблари даражасига кўтариш юзасидан конкрет кўрсатмалар берди. Бу бевосита биз — пахта тозаловчиларга ҳам тааллуқли бўлган масаладир. Мана шунинг учун ҳам бу мавсумда толанинг 90 процентдан ортиғини ГОСТ нормалари даражасида ишлаб чиқариш учун курашяпмиз.

Бу йилги ҳосилни қабул қилиб олиш ва қайта ишлаб чиқаришга тайёргарлик ишларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги, Пахта тозалаш саноати министрликларининг, республикадаги колхоз ва совхозларнинг 1982 йил ҳосилини йиғиштириб олишга тайёргарликни тугаллаш ва Л. И. Брежневнинг пахта сифатини ошириш ҳақидаги йўл-йўриқларини бажариш соҳасидаги иши тўғрисида»ги қарори асосида олиб боряпмиз.

Ҳозирги кунда 95 та пахтани ғарамлаш майдонларида иш қизғин. 48 та пахтани қабул қилиш, 48 та узатиш механизми, 12 та қуритиш барабанлари, шунингдек ҳаво тозалагичлар юклагичлар тўхтовсиз ишлаб турибди. «ОБТ» типидаги янги тоннель очиш машиналари, пахтанинг сифат кўрсаткичларини тезликда аниқлай берадиган приборлар ишимизни анча енгиллаштирмоқда. Бу тадбирларнинг ҳаммаси тола ва линтни сифатли ишлаб чиқаришга қаратилгандир.

Биз бу йил пахтани қабул қилишнинг бригада системасини жорий этдик. Ҳозирданоқ шундай хулосага келдикки, ҳосилни бригадалар бўйича қабул қилишнинг афзаллиги жуда катта экан. Пахта бригадалар бўйича қабул қилинганда ҳар бир бригаданинг пахтаси алоҳида анализ қилинади. Пахтасининг намлиги, ифослиги нормада бўлган, яъни сифатли, тоза пахта топширган бригада рағбатлантирилади. Бу табиийки, мазкур бригаданинг моддий манфаатдорлигини оширади. Ёки иккинчи бир бригаданинг биринчи сортга топшираётган пахтаси нормадагидан, яъни намлик нормаси 8 процентдан, ифослик нормаси 0,5 процентдан ошиб кетса, моддий зарар кўради. Масалан: шу бригада 7885 килограмм пахтани 10,5 процент намлик, 2,2 процент ифослик билан сотди, дейлик. Бундай ҳолатда мана шу бригада даромадидан пахтани қайта тозалаш ва қуритиш ҳисобига 49,5 сўм жарима ушлаб қолинади. Агар мана шундай масъулиятсизлик ўн кун такрорланса шу бригада 500 сўм зиён қилади. Бу бригада даромадининг ўз-ўзидан камайиб кетишига олиб келади.

Бу йил заводимиз район хўжаликларидан 46 минг 550 тонна пахта қабул қилиб олади. Мана шу хом ашёни 190 та бригада топширади. Демак, ҳар куни биз 190 та анализ чиқаришимиз керак. Бу, табиийки, ишимизда анча мураккабликларни келтириб чиқармоқда ва тайёрловчилар зиммасига масъулиятни жиддий тарзда юкламоқда. Шу ўринда хўжаликларга ҳам баъзи эътирозларимиз йўқ. эмас. Заводимиз, қабул пунктларимиз пахтани кунининг ҳамма вақтларида қабул қилиш имкониятига эга. Лекин терилган пахтани бир маромда қабул пунктларига пешма-пеш юбориб туриш хўжалик раҳбарларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Хўжаликлардан пахтанинг асосий қисмини тушдан кейин соат 5 дан бошлаб қабул қиляпмиз. Эрталабдан кечки соат 5 гача қабул қилинадиган асосий пахтанинг 5—10 процентинигина қабул қиляпмиз, холос. Кундўзи 9—10 соат ичида 5—6 процент пахта келади-да, кечки пайт 3—4 соат ичида 100—150 прицеп, машиналар келади.

Транспорт воситаларидан унумли фойдаланишни, тайёрлов пунктларида хом ашёни белгиланган тартиб-қоидага амал қилган ҳолда бунтланишига эришишни ишчи кучларидан оқилона фойдаланишни кўзлаган ҳолда имкони борича пахтани кунининг барча пайтларида топширишга эришишни таъминлаш зарур. Коллективимиз ҳар қанча пахтани қабул қилишга ҳамиша тайёр. Бироқ тўла бир кунга тақсимланган ишни икки-уч соатга жамланиб қолиши қатор мушкулликларни ҳам келтириб чиқармоқда. Хўжалик раҳбарлари ишимизнинг шу томонларига ёрдамлашсалар бу йилги ҳосилни тўхтовсиз қабул қилиб олиб, уни сифатли қилиб қайта ишлашимизга жуда катта ёрдам берган бўлур эдилар.

Меҳнатсеварлик, ҳамкиҳатлик, касб малакаларини узлуксиз ошириб борин, рационализаторлик таклифларини дадиллик билан ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш, замонавий технологияни қисқа муддатларда ўзлаштириш ва мана шу йўллар билан социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш коллективимиз эришаётган муваффақиятларнинг бош омили бўлмоқда. Заводимиз ҳозиргача 13 миллион 100 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиб, бу соҳадаги йиллик планни бажарди.

«Коммунистик меҳнат бригадаси» номини олиш учун курашаётган Аҳмад Исмоилов, Муҳтор Асадуллаев каби смена мастерлари етакчилик қилишаётган ишлаб чиқариш бригадалари заводимизнинг фахри бўлиб қолди. Улар ўз сменаларида 33 тоннадан тола ажратиб олишяпти. Социалистик мусобақа ҳақида гап кетганда фидойи, ўз ишининг моҳирлари бўлган лаборантларимиз Мария Лазерова, Завқий Мустафаева, илғор ишчиларимиз Отабой Холматов, Юсуфжон Наиров, Расулжон Мамажонов, Темур Азизовларнинг шу кунлардаги ғайрат ва ташаббусларини алоҳида таъкидлагимиз келади.

Ҳа, тайёрловчиларнинг қайноқ, жўшқин кунлари ниҳоятда авжида. Улар ўзларининг бутун куч-ғайратларини, билим ва маҳоратларини пахтакорларимизнинг пешона терлари билан етиштирган мўл пахта ҳосилларини пешма-пеш, тўхтовсиз қабул қилиб олиш ва уни сифатли қайта ишлашга сафарбар этганлар.

Н. ҚУРБОНОВ,
Чуст пахта тозалаш заводининг директори.

ЮКСАК УНУМ БИЛАН

Куйбишев номли колхоз Балиқчи районидаги илғор хўжаликлардан бири ҳисобланади. Колхоз пахтакорлари бу йил ҳар гектар ердан 40 центнердан хирмон кўтариб, она-Ватанга 4100 тонна сифатли «оқ олтин» етказиб беришни ўз олдиларига асосий вазифа қилиб қўйганлар. Бунинг учун улар астойдил ишлаб 1023 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирдилар.

Шу кунларда хўжаликнинг қайси бир бригадасига борманг, у ерда қайноқ меҳнатни кўрасиз. Пахтазорни мардлар майдонига айлантираётганлар орасида ҳиммати баланд пенсионерларни ҳам, мактаб ўқувчиларини ҳам, ишчи-хизматчилардан иборат ҳашарчиларни ҳам учратиш мумкин. Улар зафар маррасини тезроқ эгаллаш, қутлуғ сана — СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш иштиёқида ғайрат кўрсатмоқдалар.

Колхоз раиси Собиржон Комилов далада иш боши. Биз уни тажрибали пахтакор Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Одилжон Кенжаев бошлиқ бригадага колхоз кўчма Қизил байроғини топшираётган вақтда учратдик.

Хўжаликда йиғим-теримга сафарбарлик ҳар қачонгидан кучайтирилган. Машина теримига кенг йўл очиб берилгани сўзсатга қанот бўлаётир. Юбилей йилида ялпи ҳосилнинг 80 процентини «пўлат этак»лардан тўкишга аҳд қилган механизаторлар мавжуд 10 та терим агрегатини бенуқсон ишлатмоқдалар. Тажрибали механизатор Жамолиддин Кўчқоров кунига 9—10 тоннадан пахта териб, ўзаро социалистик мусобақада олдинда бораётир. Шу боис у бошқараётган агрегатда колхоз правленеси ва партия комитетининг механизаторлар учун таъсис этган кўчма вимпели анчадан буён ҳилпираб турибди. Абдуманноб Маткаримов, Илҳомжон Раҳимов каби техника жиловкорлари ҳам мавсумда 300—350 тоннадан «оқ олтин» териш учун курашяптилар.

Йиғим-терим дала-бункер-прицеп-пункт поток усулида ташкил этилган. Техникага хизмат кўрсатиш бевосита далага кўчирилган. 2 та кўчма устахона ишлаб турибди. Механизаторлар ўртасидаги ўзаро социалистик мусобақа ҳар ўн кунда якунланиб, голиблар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиб борилиятти.

Машина терими шарофати туфайли хўжаликда кунлик ўсиш 3 процентдан юқори бўлаётир. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Одилжон Кенжаев, Ленин ордени кавалери Ғофуржон Ҳамроқулов, Абдулҳофиз Паттоевлар бошчилик қилаётган бригадалар пахта тайёрлашда олдинда боришяпти. Бу коллективлар ҳосилдорликни 45 центнерданга етказиш, йиллик планни илғорлар қаторида бажариш учун ҳозирги кунларнинг ҳар бир дақиқасидан роят унумли фойдаланишмоқда.

Колхоз «оқ олтин» хирмонининг юксалишида теримчиларнинг ҳам катта ҳиссаси бор. 300 нафар теримчи кўпмингкилограммчилар ҳаракатида актив иштирок этмоқда. Одина Носирова, Барчиной Умарова, Ҳосият Ғиёсова каби чевар теримчилар кунига эл хирмонига 280—300 килограммдан дурдона тўкмоқдалар.

Йиғим-терим ишларини пухта ташкил этган хўжалик заршунослари пахта тайёрлашда район хўжаликлари орасида карвонбошилик қилмоқдалар.

А. ВАҲОБОВ.

ОЙДИН ЙЎЛ

Олтин -кув бутун борлигини кўз-кўз этмоқда. Сахий табиатнинг дош қозони қайнаб, барча ҳосил қиёмга келди. Айниқса, пахта чаноқларининг лўппи-лўппи очилишини айтмайсизми! Чинакам деҳқон учун бундан зўр кувонч, бундан улуғ бахт бўлмайди.

...Бобоқул ота одатдагидан ҳам эрта уйғониб, қандайдир байрамга шошилаётган киши сингари дала сари отланди. Неча йилдан буён бригадирнинг одатларига кўникиб қолган дала жонкуярлари ҳам бугун белгиланган жойга келиб бўлажак тантанани сабрсизлик билан кутдилар. Ота тўғри белгиланган карта бошига келди. Тўпланганларнинг жўшқин саломларини илиқ алик олди. Сўнг бодроқдек очилган пахтазорларга бир зум тикилиб тургач, битта чаноқни авайлаб узди. Салмоғини чамалаб кўрди. Қандайдир ички қониқиш ҳосил қилди чоғи, атрофдагиларга қарата:

— Бошланг! — деди. Отанинг кўтаринки кайфияти бошқаларга ҳам кўчди. Улар завқ билан енг шимарди, теримга тушиб кетишди...

Бу воқеа юбилей йили пахта терими мавсуми бошланишининг дастлабки куни да Ғиждувон районидаги С. Айний номли колхознинг 16-бригадасида бўлди. Мана, ўн йилдирки, теримнинг биринчи куни бу бригадада худди шундай ўзига хос байрам тусида бошланади.

Бригада аъзоларининг таъбирича, бу далаларга гўё Бобоқул ота Отамуродов қандайдир саҳоват, қут-барака бошлаб келган. Бунинг боиси бор, албатта. 16-бригаданинг ҳозирги территориясида илгари «Қизил трактор» колхози мавжуд эди. Бу ерлар анча кам ҳосил бўлиб, энг чекка участка саналарди. Ерлар ҳосилдорлиги 30 центнердан нариги ўтмасди. Етмишинчи йилларнинг охирида колхоз правленеси ва партия ташкилоти мазкур участкада ҳосилдорликни ошириш, чекка қишлоқлар ободончилиги ва аҳолиси экономикасини кўтариш масаласини диққат марказига олди. Ҳамманинг фикри бу участкада раҳбарлик савиясини ошириш, ташкилотчи ва деҳқончилик сирларини пухта эгаллаган бирор кишини бригадирликка юборишга келиб тақалди.

— Мен колхоз инженери Бобоқул Отамуродовни бригадир қилиб юборишни таклиф этаман, — деди ўшанда йиғилишнинг бошқараётган колхоз партия комитети секретари. — Чунки бу тажрибали коммунист пахтачиликни механизациялаш борасида партия қўйётган вазифаларни бемалол уддалаши мумкин. У қариб 20 йилдан бўён механик, участка механиги, раис ўринбосари ва колхоз инженерлиги вазифаларида ишлаб келмоқда. Техника ва ер тилини яхши билади.

Таклиф ҳаммага маъқул тушди. Коммунист Б. Отамуродов бу ишончни муқаддас партия топшириғи, деб тушунди. У дастлабки кунлардан бошлаб, ерларни текислаш, карталаштириш ва пайкаллар ўртасидаги эски дарахтларни кўчириш тадбирларини амалга оширди. Шундан бошлаб, бригада ерлари об-тобида сугориладиган, тупроқ структурасига ва талабига мос ўғитланадиган, экинларга эса вегетация муддатларига мос равишда ишлов бериладиган бўлди. Ирриқлаштирилган барча пайкаллар атрофларида тут плантациялари ташкил этилди. Уларнинг 12 минги пайванд қилиниб, яхши барг берадиган тутларга айлантирилди. Энг муҳими, бригадир меҳнат кишилари қалбидан чуқур жой олди. Механик ҳайдовчилардан Ҳамид Комилов, Насулла Нарзиев, Ислом Эрдонов, сувчилардан Раҳмат Аслонов, Омон Рустамов, Жаббор Ҳамроев, дала жонкуярларидан Гулбаҳор Баҳронова, Улаш Ражабова, Сабоҳат Раҳматова ва Оҳиста Раҳматовалар бригадирнинг қайрилмас қанотига айланди. Натижада 2 йилда ҳосилдорлик 30 центнердан 42 центнерга кўтарилди. Кейин уни колхоз марказидаги қолоқ бригадага ишга ўтказишди. У бу қолоқ бригадани ҳам оёққа турғизгани эмас, балки уни илғорлар safiga қўшиб чиқди. Бу ерда пахта ҳосилдорлиги 49 центнерга кўтарилди.

Шу орада 16-бригада яна ёрдамга муҳтож бўлиб қолди. Ишшо участкаси аъзолари «Бизга олдинги бригадиримизни келтириб берасиз», — деб туриб олишди. Колхоз правленеси ва партия ташкилоти бу талабни қондирди. 1977 йилда Б. Отамуродов яна шу бригадага бошлиқ қилиб тайинланди. Шундан буён ҳосилдорлик йил сайин кўтарила бориб, съездлар йилида 62 центнерга, бригаданинг йиллик даромади 386 минга ва ҳар бир меҳнатчининг кунлик иш ҳақи 6 сўмданга етди. Коммунист пахтакорнинг қатор йиллардаги бу хизматлари партия ва давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. Унинг кўксида Октябрь революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари ва бир неча медаллар порлади. Отахон қариб чорак асрдан буён маҳаллий Совет депутати, район партия комитетининг бир неча марта аъзоси бўлиб сайланган. Оилада бахтиёр ота ҳам. Унинг етти ўғил ва қизлари бор.

— Ҳосилдорликни муттасил ошириб боришингиз сири нимада? — сўрадик отахондан.

— Аслини олганда ишимизда қандайдир ўзгача сир йўқ. Аммо биз ҳамиша қўчатнинг тўлиқ бўлишига алоҳида эътибор берамиз. Бунинг учун ер текис бўлиши, кўчат тўлиқ ундириб олиниши шарт. Биз ҳар гектар ердан камида 130-140 минг туп кўчат бўлишига эришамиз. Йил давомида ҳар гектар ерга 30 тоннагача маҳаллий ўғит берамиз. Ҳар туп ғўзада 20-26 тагача бўлиқ кўсак бўлишига эришамиз. Ана шунда марра бизники, деяверамиз.

— Сиз қайси кунни — энг яхши кун, деб биласиз? — дея ғайри табиий савол бердик бригадирга. У йиллар қўйшида оддан қорайган юзлари жиддийлашган бир ҳолатда қуйидагича жавоб қайтарди:

— Йил бўйи қилинган ҳалол меҳнатнинг баракали самараси — мўл ҳосилни теришга киришилган кун байрам, чинакам кўнгилдагидек хирмон тикланган куни эса энг катта байрам ҳисобланади. Биз ҳур республикалар Иттифоқи — СССРнинг қутлуғ 60 йиллик тўйи шарафига 101 гектар ернинг ҳар гектаридан 70 центнердан ҳосил кўтариш мажбуриятини олганмиз.

...Бригадада терим авжида. Ҳар куни 5 процентдан ошириб «оқ олтин» тайёрланмоқда. Пайкалларда лўппи чаноқлар саноғига етиш амри маҳол. Улар фидойи пахтакор бахтидай чарақлаб очилган. Шу сабабли отамуродовчилар йўли пахтадай ойдин, бахти янада баркамол, толеи оппоқ чўққилар каби юксак.

Э. БОБОМУРОДОВ,
Бухоро области.

ДАЪВАТ

Дўстлар, юрнинг далага бутун.
Қўлни берсин қалби чайноқлар.
Тиллоларга чулғанган бутун.
Интизордир бизга чаноқлар.

Кунн билан қуёш нарвона,
Нурлар тўкиб-тўкиб порлайди.
Қалби ёнқ муниС бир она,
«Пахтазорга», — дея чорлайди.

Ҳар толада эртанги кун бор,
Тўқнилиқдир ҳар битта чаноқ.
Бир чигитда олам мазмун бор,
Унутма ҳеч эй, танти ўртоқ.

Пахта билан ризқимиз бутун,
Қалби олов майдонга келсин.
Ўзбекистон кулгуси бугун,
Оппоқ олтин бўлиб тўкилсин.

Темур УБАЙДУЛЛО.

ШИФОКОР МАСЛАҲАТИ

ТЕРИМ ГИГИЕНАСИГА РИОЯ ҚИЛИНГ

Ҳозир республикамиз пахта далаларида йиғим-терим авжида. «Оқ олтин»имиз хирмони тобора кўкка бўй чўзиб юксалиб бормоқда. Не-не қийинчилик, меҳнатлар эвазига етиштирилган «оқ олтин» ҳосилини тезроқ йиғиштириб олишда пахтакорлар билан елкама-елка туриб шаҳар аҳолиси — ишчилар, студентлар, барча олиҳиммат-ли ҳашарчилар актив қатнашмоқдалар. Шуни таъкидлаш керакки, етиштирилган пахта ҳосилининг асосий қисми механизация ёрдамида териб олиняпти. Колхоз ва совхозлар замонавий қишлоқ хўжалик машиналари, зарур техника билан таъминланган. Гап шундаки, ана шу мукаммал техникани бошқарадиган дала гвардиячилари хавфсизлик техникаси қоидаларини яхши билишлари, ўз малакалари ва техникавий билимларини муттасил ошира боришлари зарур, акс ҳолда кўнгилсиз оқибатлар содир бўлиши мумкин.

Пахта йиғим-теримида қатнашаётган теримчилар, ҳашарчилар ва механизаторларнинг саломатликлари яхши бўлса, кайфиятлари аъло ва меҳнатлари унумли, баракали бўлади. Бунинг учун аввало улар озодаликка қатъий риоя қилишлари, овқатланишдан олдин қўлларини совунлаб ювишлари даркор. Шунингдек, мева ва сабзавотларни сувда яхшилаб чайгандан сўнг ейиш, қайнатилган сув ичиш тавсия қилинади. Ариқ, ҳовуз ва зовур сувларини ичиш мумкин эмас. Тез бузиладиган таомларни узоқ сақламаслик, ортиб қолган овқатларни озода жойда, устини ёпиб сақлаш лозим. Бу билан сиз ўзингизни турли ўткир юқумли ичак ҳасталиклари билан касалланишдан сақлаган бўласиз. Агар бармоқларингиз шилинса, йод эритмаси ёки бириллиант рида ишлаб келмоқда. Техника ва ер тилини яхши билади.

Таклиф ҳаммага маъқул тушди. Коммунист Б. Отамуродов бу ишончни муқаддас партия топшириғи, деб тушунди. У дастлабки кунлардан бошлаб, ерларни текислаш, карталаштириш ва пайкаллар ўртасидаги эски дарахтларни кўчириш тадбирларини амалга оширди. Шундан бошлаб, бригада ерлари об-тобида сугориладиган, тупроқ структурасига ва талабига мос ўғитланадиган, экинларга эса вегетация муддатларига мос равишда ишлов бериладиган бўлди. Ирриқлаштирилган барча пайкаллар атрофларида тут плантациялари ташкил этилди. Уларнинг 12 минги пайванд қилиниб, яхши барг берадиган тутларга айлантирилди. Энг муҳими, бригадир меҳнат кишилари қалбидан чуқур жой олди. Механик ҳайдовчилардан Ҳамид Комилов, Насулла Нарзиев, Ислом Эрдонов, сувчилардан Раҳмат Аслонов, Омон Рустамов, Жаббор Ҳамроев, дала жонкуярларидан Гулбаҳор Баҳронова, Улаш Ражабова, Сабоҳат Раҳматова ва Оҳиста Раҳматовалар бригадирнинг қайрилмас қанотига айланди. Натижада 2 йилда ҳосилдорлик 30 центнердан 42 центнерга кўтарилди. Кейин уни колхоз марказидаги қолоқ бригадага ишга ўтказишди. У бу қолоқ бригадани ҳам оёққа турғизгани эмас, балки уни илғорлар safiga қўшиб чиқди. Бу ерда пахта ҳосилдорлиги 49 центнерга кўтарилди.

Шу орада 16-бригада яна ёрдамга муҳтож бўлиб қолди. Ишшо участкаси аъзолари «Бизга олдинги бригадиримизни келтириб берасиз», — деб туриб олишди. Колхоз правленеси ва партия ташкилоти бу талабни қондирди. 1977 йилда Б. Отамуродов яна шу бригадага бошлиқ қилиб тайинланди. Шундан буён ҳосилдорлик йил сайин кўтарила бориб, съездлар йилида 62 центнерга, бригаданинг йиллик даромади 386 минга ва ҳар бир меҳнатчининг кунлик иш ҳақи 6 сўмданга етди. Коммунист пахтакорнинг қатор йиллардаги бу хизматлари партия ва давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. Унинг кўксида Октябрь революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари ва бир неча медаллар порлади. Отахон қариб чорак асрдан буён маҳаллий Совет депутати, район партия комитетининг бир неча марта аъзоси бўлиб сайланган. Оилада бахтиёр ота ҳам. Унинг етти ўғил ва қизлари бор.

— Ҳосилдорликни муттасил ошириб боришингиз сири нимада? — сўрадик отахондан.

— Аслини олганда ишимизда қандайдир ўзгача сир

яшили суртинг. Бундай тадбир организмни инфекция тушишидан сақлайди ва жароҳатни тез тузатади.

Юқоридагилар билан бирга тирноқларингизни тез-тез олишни асло унутманг. Ухлашдан олдин қўлларингизни иссиқ сувда ювиб, глицерин, вазелин суртишни ёдингиздан чиқарманг. Даладан қайтгач, оёқларингизни совунлаб ювиб артинг. Далада кийдиган пойабзалларингизни мойлаб туринг, ундан сув ўтмайдиган бўлсин. Қўлларингиз тилинган бўлса, теримга тушишдан олдин лейкопластир ёпиштириб қўйинг. Терлаб туриб кийимларингизни ечманг, нам ва зах ерда ўтирманг.

Шуни алоҳида уқтириш лозимки, агар дала шароитида ўзингизни ноҳуш сезсангиз, касалликнинг илк аломатлари пайдо бўлиши билан дарҳол медпунктга, врачга мурожаат қилинг. У ёки бу хасталикни тузатишдан кўра унинг олдини олиш осондир.

Азиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари, механизатор, теримчилару, олиҳиммат ҳашарчилар! Юқорида биз эслатган маслаҳатлар бир қарашда жўндек туюлиши мумкин. Аммо озгина эътиборсизлик ёки лоқайдлик ҳам хунук оқибатларни келтириб чиқариши ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан, ҳамма, айниқса, далада ишлаётганларнинг хавфсизлик техникаси ва шахсий гигиена қоидаларига амал қилишлари ҳам фарз, ҳам қарз. Бинобарин, юқорида зикр этилган тавсияларга риоя этсангиз, ўз соғлиғингизни сақлайсиз ва турли ўткир юқумли хасталикларнинг олдини олишда ҳиссангиз қўшилади. Айни пайтда меҳнатингиз самарали, баракали бўлаверади.

М. КАМОЛОВА,
медицина фанлари докторн.

РАССОМ БЛОКНОТИДАН

«Баъзи хўжаликларда ҳосил тоза теримай, унинг бир қисми чаноқларда қолиб кетмоқда».

(Редакцияга келган хатдан).

— Ҳой, нонсоф! Биз қолиб кетаверамизми?

А. Холиқов чизган расм.

Редактор
И. СУЛАЙМОНОВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

ДУШАНБА

18 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Е. Сорокина ва РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. Бахчиев чалади.
10.00 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Тилла боғичли туфли». 1-серия.
11.20 «Ҳайвонот оламида».
12.20 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг симфоник кунлар оркестри чалади.
12.50 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Чорвачилик — зарбдор фронт». Илмий-оммабоп фильмлар.
16.15 Р. Шчедрин. 2-симфония. Москва Давлат филармониясининг академик симфоник оркестри чалади.
17.00 «Буратино кўргазмаси».
17.30 «Ёшлар адреслари».
18.15 «Сиз яратган боғ».
18.45 Мультфильм.
18.55 «Партия планлари — халқ планлари». Белоруссия ва Литва енгил саноати ходимларининг мусобақаси ҳақида. 2-кўрсатув.
19.25 «Футбол шарҳи».
19.55 «Ричард III». Евг. Вахтангов номли Давлат академик театри фильм-спектаклининг премьераси. В. Шекспир пьесаси асосида.
21.30 «Время».
22.05 «Ричард III». Фильм-спектаклининг давоми.
22.55 «Дунё воқеалари».
23.10 СССР халқ артисти М. Биешу ҳамда Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг РСФСР халқ артисти Н. Некрасов раҳбарлигидаги рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерти.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Пропагандист» — пропагандистларга». Илмий-оммабоп фильм.
19.00 Жаҳон халқларининг ижоди.
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!»
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Оилавий альбом». Телевизион бадиий фильм.
23.10 Гандбол бўйича СССР чемпионати. Хотин-қизлар. «Автомобилист» (Боку) — «Спартак» (Киев). Каунасдан олиб кўрсатилади.

● УзТВ I

10.25 Кўрсатувлар программаси.
10.30 Табиатшунослик. Узбекистонда куз.
10.50 «Ўжар қизча». Телевизион бадиий фильм (рус.).
11.30 Табиатшунослик. Узбекистонда куз (рус.).
11.50 «Еввойи асал». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар программаси.
17.35 «Сепкилвой изқувар». Болалар учун мультфильм.
17.40 «Бирга бўлсак ҳаммамиз» (рус.).
18.15 Волейбол бўйича хотин-қизлар командалари ўртасида СССР кубоги.
18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бурчга садоқат».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Самарқанд опера театри...» Музикали программа.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Самарқанд опера театри...» Музикали программа (давоми).
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.25 «Ишдаги ишқ». Бадиий фильм. 1-серия.
23.50 «Бугун оламда нима гап!» Халқаро аҳвол кундалиги.

СЕШАНБА

19 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Алдаркўса». Мультфильм.
9.55 В. Шекспир. «Ричард III». Евг. Вахтангов номли Давлат академик театрининг фильм-спектакли.
12.15 «Ижод қувончи». Н. Бауман номли МВТУ маданият уйи академик хорининг концерти.
12.40 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «80-йиллар коммунистлари». Телевизион ҳужжатли фильмлар.
16.10 «В. А. Жуковский».
17.10 «Рус сувенири» ансамблининг концерти. Ленинграддан олиб кўрсатилади.
17.35 «Экономика тежамли бўлиши керак». Черкасск областида сабзавотларни етказиб бериш, асраш ва қайта ишлаш тажрибаси ҳақида.
17.50 Халқаро конкурслар лауреати А. Гаврилов ҳамда солистлар ансамблининг концерти.
18.30 «Мардлик қутби». Қутб авиациясининг штурмани В. И. Аккуратов ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.
19.00 «Қувноқ нотачалар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Фан оламида».
20.00 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «ЯГОНА ОИЛАДА». ЛАТВИЯ ССР.
Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Э. Восс сўзи.
«Совет Латвияси». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
Санъат усталарининг концерти.
21.30 «Время».
22.00 «Муҳаббатнома». Бадиий фильм.

● УзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор» (такрорий).
12.30 Рус адабиёти. «Пелагея Ниловнанинг революциядаги ўрни». (А. М. Горькийнинг «Она» романи асосида).
13.00 «Ишдаги ишқ». Бадиий фильм. 2-серия.
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Алдаркўса қандай қилиб йўлбарсни алдади», «Ўрмон эртаги». Мультфильмлар.
18.30 «Инсон болаликдан бошланади».
19.00 «Полимерлар мактаби».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ижод гулшани». Кўрсатувни Ҳамза номли Узбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Абдулла Орипов олиб боради.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ёшлар куйлаганда». Концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Бугун оламда нима гап!» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.15 «Санъат усталари». СССР халқ артисти Бернора Қорнева ижоди ҳақида. Кўрсатув тугагач — Янгиликлар.

ПАЙШАНБА

21 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Горничилар, қаердасиз!»
10.25 «Ҳаммага—раҳмат». Телевизион бадиий фильм.
11.25 ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театри балет артистларининг концерти.
12.35 «Рассом Александр Иванов». Ҳужжатли фильм премьераси.
12.55 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Мен — ўнинчи». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
15.50 «Рус тили».
16.20 «Белорус манзаралари». Минскдан олиб кўрсатилади.
16.50 «Шахмат мактаби». Оқ руҳ.
17.20 Мактаб ўқувчиларининг Ленин мукофоти лауреати, СССР Геология министрининг ўринбосари В. А. Ярмолюк билан учрашуви.
18.05 Бутунроссия конкурсининг лауреати И. Акулинина чалади (домра).
18.30 «Расмларда қуёш акси бор».
18.45 «Миллионлар ленинча университети».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Алкоголизм ҳақида суҳбат».
20.00 «Экранда — кинокомедия». «Саҳна пиллапоя лари да».
21.30 «Время».
22.05 «Солдат мемуарлари». 1-фильм. «Танкларни қирувчи». Телевизион ҳужжатли фильм.
23.10 «Дунё воқеалари».
23.25 «Ватаним қўшиқлари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Чўпон бўлмш қийнимм!» Телевизион очерк.
19.05 «Салют, пионерия!» Боку шаҳар пионер ва ўқувчилар саройи болалар бадиий коллективларининг чиқиши.
20.00 «Шаҳар рамкасидаги беш портрет». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Уренгой-Ужгород газ қувури». «Трассанинг Ғарбий участкаси». СССРнинг Ғарбий чегараларидаги трассанинг охирги участкаси қурилиши ҳақида репортаж.
21.05 «Месхети, жонажон ўлкам». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
21.30 «Время».
22.05 «Ҳаммага—раҳмат». Телевизион бадиий фильм.

● УзТВ I

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Болалар учун. «Мен, сен ва мультик».
18.45 «Ҳамкорлик шартномаси — амалда!» «Тошкент тўқимачилик комбинати: реконструкция проблемалари». Узбекистон телевидениеси ва «Совет Узбекистони» газета редакциясининг қўшма рейди.
19.15 «Ахборот» (рус.).
19.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Баҳс». Ахлоқий-этик мавзуда кўрсатув.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Сизлар учун, пахтакорлар». Концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.25 У. Умарбеков. «Қиёмат қарз». Ҳамза номли Узбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
00.05 Янгиликлар.

ЖУМА

22 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Звоночек» куйлайди. Львовдан олиб кўрсатилади.
10.05 «Саҳна пиллапоя ларида». Бадиий фильм.
11.35 «Духовой оркестрлар чалади». Телевизион кўрик-конкурс. Харьковдан олиб кўрсатилади.
11.55 «Поэзия». Евгений Винокуров.
12.50 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳақида ҳужжатли фильмлар программаси.
16.00 Замбия миллий ансамблининг концерти.
16.25 «Уфқ». Ленинграддан олиб кўрсатилади.
17.25 «Москва ва москваликлар».
17.55 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Олтин боғичли туфли». 2-серия.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Шиддатли ва гўзал олам». Ҳужжатли фильм.
19.40 «Рус музейи». «XVIII аср санъати» 3 фильм
20.10 «Оперетта байрами». И. Кальман туғилган кунининг 100 йиллигига
21.30 «Время»
22.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Динамо» (Москва). В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Кичик спорт майдонидан олиб кўрсатилади.
24.00 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Мамлакатнинг генетик банки». Илмий оммабоп фильм.
9.35 ва 10.35 География. 8-синф Енгил саноат.
10.05 ва 10.45 Инглиз тили.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Умумий биология. Ҳайвонот дунёсининг ривожланиши.
11.35 ва 12.40 А. С. Пушкин ижоди. 6-синф.
12.05 Ўн биринчи беш йилликда СССРда электрлаштириш.
13.10 М. Ю. Лермонтов. «Мцири». 7-синф.
14.15 Ўрта аср санъати. 2-кўрсатув.
14.45 «Ҳеч тугамайдиган лицей».
15.55 «Улуғ Ватан урушн». Киноэпопея 5-фильм. «Шарққа».
16.45 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Менинг исмим — Леонардас». Ҳужжатли фильм.
19.00 Н. Осипов номли Давлат академик рус халқ оркестрининг чиқиши.
19.30 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». «1972 йил».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Ҳамдўстлик» телевизион журнали.
21.15 И. С. Бах. Чакона. Скрипкачи У. Уги чалади (Италия).
21.30 «Время».
22.00 «Кавказ қиссаси». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-серия лар.

● УзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 «Сенинг афсонавий шоҳшухратинг». Телевизион ҳужжатли фильм.
12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари» (такрорий).
12.30 «Спорт, спорт, спорт». Кинопрограмма.
13.30 «Замандас». Қишлоқ хўжалиги ходимлари учун кўрсатув (қозоқ тилида).

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Оқ автомобиль». Болалар учун фильм.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студент қишлоқ хўжалик отряди—82».
19.00 «Шеърият дафтаридан», Ҳ. Ҳудойбердиева.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Санъат усталари». СССР халқ артисти Сора Эшонтўраева ижоди ҳақида телефильм.
20.05 «Дунё воқеалари».
20.30 «Ахборот».
20.50 К. Раҳимов ва У. Нуралиев ижросида қўшиқлар.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Ноз-неъмат бунёдкори».
22.15 «Театр ва замон».
23.30 Янгиликлар.

ШАНБА

23 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.45 «Усмирлар ижоди».
10.15 «Ота-оналар, Сизлар учун».
10.45 Туркманистон ССР Давлат рақс ансамблининг концерти.
11.15 «Шимол юлдузи остидаги шаҳар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
12.05 «Советлар ва ҳаёт».
12.35 «Спортлото»нинг 43-тиражи.
12.45 «Усмикликлар дунёси».
13.30 Совет композиторларининг лирик қўшиқлари.
14.15 «Сиз бунга қодирсиз».
15.00 «Рус музейи». «XVIII аср санъати». 3-фильм.
15.30 «Дунё воқеалари».
15.45 Болалар учун қисқа метражли бадиий фильмлар.
16.45 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
17.45 «Хатларингиз асосида...» Музикали программа.
18.30 Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати.
19.00 «Кўрқма, мен сен билан». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1- ва 2-серия лар.
21.30 «Бремя».
22.00 Спорт программаси. Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Арарат». 2-тайм. «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади.
22.45 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Динамо» (Рига). 2- ва 3-даврлар. В. И. Ленин номли Марказий стадионинг Кичик спорт майдонидан олиб кўрсатилади.
24.00 Янгиликлар.

● МТ II

10.55 Дзюдо кураши бўйича СССР чемпионати. Кишинёвдан олиб кўрсатилади.
11.40 «Кавказ қиссаси». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-серия лар.
13.50 «Киносаёҳатчилар клуби».
14.50 ЛАТВИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. «Сиғлингиз, Латвия». Телевизион очерк.
Латвия ССР халқ артисти Л. Андерсон-Силаре концерти.
16.15 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». «1973 йил».
17.15 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси.
18.00 «Шаҳар бўйлаб троллейбус қатнайди». Телевизион ҳужжатли фильм.
18.15 Халқаро обзор.
18.30 «Музикали киоск».
19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Нефтчи» — «Динамо» (Минск). Бокудан олиб кўрсатилади.
20.45 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
21.00 «Днестр тароналари». Концерт. Кишинёвдан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.00 «Келаси кун жадвали». Бадиий фильм.

● УзТВ I

9.55 Кўрсатувлар программаси.
10.00 Янгиликлар.
10.10 «Орол оқанглари». Фильм-концерт («Узбектелефильм»).
11.05 Шахмат мактаби.
11.35 «Шимол ёғдусини ёқинг». Бадиий фильм.
12.50 «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун» (рус.).
13.30 «Шоирлар — болаларга». Қуддус Муҳаммадий. Туғилган кунининг 75 йиллигига.
14.15 «Ҳаёт каби тирик».
14.45 «Санъат усталари». СССР халқ артисти Наби Раҳимов билан учрашув.

* * *

16.55 Кўрсатувлар программаси.
17.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор»—«Динамо» (Киев). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Кинофильм.
18.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
19.25 «Ахборот» (рус.).
19.40 «Санъат усталари». «Олим Хўжаев». Телефильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 Узбекистон санъат усталарининг концерти. Союзлар уйининг Колонна залидан трансляция пайтида ёзиб олинган.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Хирмонингизга барака».
22.20 Экранда — кинокомедия. «Тиниб-тинчимаган қариялар».
23.35 Кўрсатувлар программаси.

ЯКШАНБА

24 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.20 Оренбург Давлат рус халқ хорининг концерти.
10.25 «Будильник».
10.55 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
11.55 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси.
12.40 «Тонгги почта» музикали программаси.
13.10 «Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан».
13.25 «Қишлоқ янгиликлари».
14.25 «Музикали киоск».
14.55 «Турналар учмоқда». Бадиий фильм.
16.30 «Чашмалар». Музикали программа.
17.00 «Киносаёҳатчилар клуби».
18.00 Грузия ССРда хизмат кўрсатган артист Р. Бардзимашвили раҳбарлигидаги «75» вокал-чолғу ансамблининг концерти. Тбилисидан олиб кўрсатилади.
18.25 «Халқаро панорама».
19.10 Катта ёшдагилар учун мультфильмлар премьераси.
20.00 Останкино концерт студиясида СССР халқ артисти Т. Доронина билан учрашув.
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Динамо» (Тбилиси). В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади.
23.35 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядкага сафланинг!»
9.20 «Келаси кун жадвали». Бадиий фильм.
10.45 «Ҳайвонот оламида».
11.45 Ленинград Давлат академик опера ва балет театрининг солисти Л. Шарова куйлайди. Ленинграддан олиб кўрсатилади.
12.05 «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби. Инженерлик қўшинлари ветеранларининг учрашуви.
13.35 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Олтин боғичли туфли». 2-серия.
15.00 Ёш келин-куёвлар телевизион клуби.
16.15 Халқ оҳанглари.
16.30 «Бзиб дараси». Телевизион ҳужжатли фильм.
16.45 «Қалбим малакаси». Фильм-балет.
17.55 «Юрканинг тонгари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
19.00 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». «1974 йил».
20.00 «Муҳбирларимиз ҳикоя қиладилар».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Регби бўйича Европа чемпионати. СССР — ГФР терма командалари. 2-тайм. «Филм» стадионидан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Гўзал драгун саргузаштлари». Бадиий фильм (ЧССР).

● УзТВ I

9.55 Кўрсатувлар программаси.
10.00 Янгиликлар.
10.10 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Даврамизга марҳабо!» Қорақалпоғистон АССР ва Узбекистон областлари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали. Экранда— Бухоро области.
12.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар».
13.10 Телевизион театр. Ф. Дюрренматт. «Авария».
14.40 «Узбекистон спорти».
15.10 Реклама.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Самодаги саёҳат». Мультфильм.
18.15 Болалар учун. «Ўйлаб топ!» (рус.).
18.45 «Цирк, цирк, цирк».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ягона оилада».
Кўрсатувда Узбекистон Компартияси Андижон область комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов иштирок этади.
20.30 «Ахборот».
20.50 СССР халқ артисти Зайнаб Ҳонларова куйлайди.
21.30 Москва. «Время».
22.05 СССР халқ артисти Зайнаб Ҳонларова куйлайди (давоми).
23.30 Кўрсатувлар программаси.

В. В. КУЙБИШЕВ НОМЛИ «ХУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНЛИ САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
СИРТҚИ БЎЛИМГА
1982—1983 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Институт қуйидаги ихтисослар бўйича мутахассислар тайёрлайди: агрономлар, инженер-механиклар, умумий ихтисослар бўйича зооинженерлар ва паррандачилик зооинженерлари, қорақўлчилик инженерлари ва қорақўл терига ишлов берувчи технологлар, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этувчи экономист-ташкилотчилар ҳамда бухгалтерия ҳисоби бўйича экономистлар.

Аризалар 1982 йил 1 ноябрдан 1983 йил 15 январгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 16 январдан 15 февралгача ўтказилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: ректор номига ариза, ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжатларнинг асл нусхаси, иш жойидан характеристика, медицина справкаси (286-форма), меҳнат дафтарчасидан кўчирма, 3 х 4 см. ҳажмли тўрт дона фотосурат, паспорт, ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат, партия, комсомол, касаба союз билетлари шахсан кўрсатилади.

ЎҚИШ МУДДАТЛАРИ: агрономия, зооинженер-қорақўлчилик, механизация факультетларида 6 йил, қишлоқ хўжалик корхоналари учун иқтисодчи-ташкилотчилар 5 йилу 7 ой, бухгалтерия-иқтисод бўлимида ўқувчилар учун 5 йилу 3 ой.

Агрономия, зооинженерлик, қорақўлчилик ихтисосларини танлаганлар ЎЗБЕК ТИЛИ (рус тили) ва АДАБИЁТИдан (ёзма), БИОЛОГИЯ (оғзаки), ХИМИЯ (оғзаки), ФИЗИКА (оғзаки); механизация факультетига кирувчилар: ЎЗБЕК ТИЛИ (рус тили) ва АДАБИЁТИдан (ёзма), МАТЕМАТИКАдан (ёзма ва оғзаки), ФИЗИКА (оғзаки); экономика факультетига ҳужжат топширганлар: ЎЗБЕК ТИЛИ (рус тили) ва АДАБИЁТидан (ёзма), МАТЕМАТИКА (оғзаки), БИОЛОГИЯ (оғзаки), ГЕОГРАФИЯ (оғзаки) дан имтиҳон топширадилар.

Ўрта мактабни олтин медаль, ўрта махсус ўқув юртларини имтиёзли диплом билан битирганлар танланган ихтисосни бўйича битта фандан имтиҳон топширадилар. Биринчи имтиҳондан «аъло» баҳо олганлар қолганларидан озод қилинади, «тўрт» ёки «уч» баҳо олганлар қолган фанлардан ҳам имтиҳон топширадилар.

Совет Армияси сафидан хизмат бурчини ўтаб қайтганлар, камида икки йиллик иш стажига эга бўлганлар институтга қабул вақтида имтиёзлардан фойдаланадилар.

Институт адреси: Самарқанд шаҳар, Шаумян кўчаси, 7-уй. Телефон 3-37-42, 4-31-34.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
1982—83 ўқув йили учун
ҚУНДУЗГИ ТАИЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига СССР Қуролли Кучлари сафларидан запасга бўшатилганлар, ўрта мактабни тугатганидан сўнг бирмунча хўжаликда камида бир йил меҳнат стажига эга бўлган илғор колхозчилар, ишчилар ҳамда ўқув ишлаб чиқариш бригадаларининг аъзолари бўлган умумий таълим мактабларининг битирувчилари хўжаликлар йўлланмаси билан қабул қилинади.

Институт ва унинг филиали агрономия мутахассислиги бўйича: агроном-олимлар, агрохимик-тупроқшунослар, уруғшунос-селекционерлар ва шоликонлар, мева-сабзавотчилар, соҳибкорлар, ўсимликларни муҳофаза қилиш бўйича агрономлар, пиллакашлар, кенг ихтисосдаги зооинженерлар; экономика мутахассислиги бўйича: қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этувчи экономистлар, ўрмон хўжалиги инженерларини тайёрлайди.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар ректор номига ариза, иш жойидан йўлланма, ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), ишлаб чиқариш ва партия-комсомол характеристикаси, 8 дона фотосурат (3х4 см.), медицина справкаси (286-форма), меҳнат дафтарчасидан кўчирмани тақдим этадилар.

Агрономия мутахассисликларига кирувчилар биология ва химиядан, экономика мутахассисликларига кирувчилар биология ва математикадан, ўрмон хўжалиги факультетига кирувчилар биология ва математикадан суҳбат ўтказилади.

ҲУЖЖАТЛАР 10 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ, СУҲБАТЛАР 15 НОЯБРДАН 25 НОЯБРГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ. ТИНГЛОВЧИЛАР САФИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ 25 НОЯБРДАН 30 НОЯБРГАЧА.

Машғулотлар 1 декабрдан бошланади.
ЎҚИШ МУДДАТИ 8 ОЙ.
Тайёрлов бўлими тингловчилари ётоқхона, стипендия билан таъминланадилар.
ТАИЁРЛОВ БЎЛИМИНИ ТУГАТГАН ВА БИТИРИШ ИМТИҲОНЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТОПШИРГАН ШАХСЛАР ИНСТИТУТНИНГ 1 КУРСИГА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.
Адрес: 700183, Тошкент шаҳри, 183-алоқа бўлими. Телефон 62-23-02.

Узбекистон ССР Савдо министрлигининг
ТОШКЕНТ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
декоратор-безанчилар группасига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Группа ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи озиқ-овқат ва саноат товарлари магазинлари учун мутахассислар тайёрлайди.
Ўқиш муддати 2 йил.
Кирувчилар: расм, рус тили (диктант) бўйича кириш имтиҳонлари топширадилар.
Бу группага тўлиқ ўрта маълумотли 25 ёшгача бўлган ва Узбекистон шаҳарларида яшовчилар қабул қилинади.
Ўқиш даври меҳнат стажига киради.
Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.
Ўқувчиларга стипендия тўланади.
Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат, характеристика, область халқ депутатлари Совети ижроия комитетининг савдо бўлимидан йўлланма.
Билим юртининг адреси: 700173, Акмал Икромов районы, Бобир кўчаси, 3-уй (4, 9-трамвайларнинг «Чўпон ота» 13,70-автобусларнинг «Тез медицина ёрдами клиник касалхонаси» бекатлари).

ТЕЛЬМАН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА
14 НОЯБРГАЧА
ЧЕХОСЛОВАКИЯНИНГ ПАРДУБИЦА ШАҲРИ
ЯНГИ «ОЙМОМА БОҒИ»НИНГ
ГАСТРОЛЛАРИ

Боғда қўнғироқли йўл, автодром, занжирли арғимчоқ, учувчи тарелкалар, тасодифлар ғори, ҳар хил арғимчоқлар, болалар арғимчоғи, болалар поезди, ютуқли аттракционлар, «пинг-понг», кегелбан, тир ишлайди.
«ОЙМОМА БОҒИ» ҳар куни соат 13.00 дан 21.00 гача, шанба кунлари соат 12.00 дан 21.00 гача, якшанба кунлари эса соат 10.00 дан 21.00 гача ишлайди.
Дам олиш куни — душанба.
ЧЕХОСЛОВАКИЯНИНГ «ОЙМОМА БОҒИ»ГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

«ҚИШЛОК ҲАҚИҚАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41* ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўрин босарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-58-33, 32-54-42. Масъул секретари — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32-33-81-42, 56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-56-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 13599 Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64543. А. 1140